2.000.000 ТОННА ПАХТА ТАЙЁР!

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам терим суръатини сусайтирмайлик, бир грамм ҳам пахтани нобуд қилмасдан тезда йиғиб-териб олайлик!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 212 (2245). | 24 октябрь, чоршанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.



Янгийўл районидаги Калинин номли колхозининг механизатори ўртоқ Ш. Курсеитов мавсум да 200 тонна пахта териш учун курашмоқда. Унинг шу кунгача терган пахтаси 105 тоннадан ошиб кетди. Суратда: ўртоқ Ш. Курсеитов бункердаги пахтани прицепга ағдармоқда. А. Исоқов фотоси.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советида

АҚШ ҳукуматининг иғвогарлик ҳаракатлари ва Америка қуролли кучларининг агрессив ниятлари муносабати билан Совет ҳукумати 1962 йил 23 октябрда Кремлда СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали ўртоқ **Р. Я. Малиновскийнинг** Қуролли Кучлар сафида жанговар тайёргарликни ошириш юзасидан кўрилган тадбирлар тўғрисидаги ахборотини тинглади ва мудофаа министрига зарур кўрсатмалар берди, шу жумладан алоҳида фармойиш бўлганига қадар:

1. Стратегик вазифаларни бажарувчи ракета қўшинларида, мамлакатни ҳаво ҳужумидан мудофаа қилувчи қўшинларда ва сув ости флотида юқори ёшдагиларни Совет Армиясидан бўшатишни тўхтатиб туриш.

2. Бутун шахсий составга отпуска берилишини тўхтатиш.

3. Барча қўшинларнинг жанговар тайёрлиги ва ҳушёрлигини ошириш тўғрисида кўрсатма берди.

Г. ГЕОРГИУ-ДЕЖ ВА И. Г. МАУРЕР ТОШКЕНТДАН ЖЎНАБ КЕТДИЛАР

Индонезия, Ҳиндистон ва Бирмага қилган сафарларидан қайта туриб, бу ерда тўхтаган Руминия Ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Руминия Халқ Республикаси Давлат кенгашининг раиси Георге Георгиу-Деж ва Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раиси Ион Георге Маурер 23 октябрда Тошкентдан Москвага жўнаб кетдилар. Улар билан бирга Руминия Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Корнелиу Мэнеску, Руминия Халқ Республикасининг СССР даги элчиси Николае Гуниэ ва Руминиянинг бошқа расмий кишилари ҳам жўнаб кетдилар.

Тошкент аэродромида уларни узатиш вақтида Руминия Халқ Республикаси, Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари тикилган эди. Ҳурматли меҳмонларни КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари В. А. Карлов, Р. Қурбонов, Г. Ф. Наймушин, Е. С. Насриддинова, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат Қ. Муртазоев, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри С. О. Азимов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари И. В. Бабков, республика Олий Совети Президиумининг секретари Р. Сахибоев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Р. Н. Нишонов ва республиканинг бошқа раҳбар ходимлари узатиб қолдилар. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

АҚШ президенти Кеннеди Кубага борадиган барча кемаларнинг йўлини тўсиш, уларни кўздан кечириш ва Америка маъмурларининг фикрича, ҳужумкорлик характеридаги қурол-яроғ ортилган кемаларни ўтказмаслик тўғрисида АҚШ ҳарбий денгиз флотига буйруқ берганлигини 22 октябрь кечқурун эълон қилди. Кубани узлуксиз ва синчиклаб кузатиб туриш тўғрисида ҳам буйруқ берилган. Шундай қилиб, АҚШ ҳукумати аслида Куба Республикасини денгиздан блокада қила бошлайди. Айни вақтда Американинг Куба территориясида жойлашган Гуантанамо базасига Американинг янги қўшинлари туширилабошлади, АҚШнинг қуролли кучлари эса жанговар тайёр ҳолга келтирилмоқда.

Президент мисли кўрилмаган ана шундай агрессив ҳаракатларни Куба Қўшма Штатларнинг миллий хавфсизлигига гўё таҳдид туғдирмоқда, деган мулоҳазалар билан оқлашга уринади.

Совет ҳукумати АҚШ томонидан Куба Республикасига нисбатан ўтказилаётган сиёсат тинчлик ишига жиддий хавф туғдираётганлигига барча мамлакатлар ҳукуматларининг ва жаҳон жамоатчилигининг эътиборини кўп марта жалб этган эди. АҚШ президентининг баёноти Американинг империалистик доиралар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг аъзоси бўлган суверен давлатни бўғиб ташлашга уринишда ҳеч нарсадан тап тортмаётганлигини исбот этади. Бу империалистик доиралар ана шу ниятда жаҳонни ҳарбий ҳалокат гирдобига ташлашга тайёр турибдилар. Америка Қўшма Штатлари бундай авантюра йўлидан бориб, жаҳон термоядро урушини бошлаш сари қадам қўяётганлигини барча мамлакатларнинг халқлари очиқ-равшан тасаввур этишлари лозим. Давлатлар ҳатти-ҳаракатининг халқаро нормаларини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Устави принципларини сурбетларча поймол этиб, АҚШ очиқ денгизда бошқа давлатларнинг кемаларига ҳужум қилиш, яъни қароқчилик қилиш ҳуқуқига эгаман деб айтди ва ана шу ниятини эълон қилди.

АҚШнинг империалистик доиралари Куба қандай сиёсатни ўтказиши кераклигини, ўз юртида қандай тартиблар ўрнатиши лозимлигини, ўз мудофааси учун қандай қурол-яроғларга эга бўлиши кераклигини Кубага мажбуран қабул қилдирмоқчи бўлади.

Аммо Қўшма Штатларга бошқа мамлакатлар ва халқларнинг тақдирини ҳал этиш ролини ўз зиммасига олишга ким ҳуқуқ берди? Кубаликлар нима учун ўз давлатининг ички ишларини ўз хоҳишларича эмас, балки АҚШ истагаича ҳал этишлари керак экан? Куба Куба халқиникидир ва Куба халқигина ўз тақдирининг эгаси бўла олади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Уставига кўра, катта ёки кичик мамлакатларнинг ҳаммаси ўз ҳаётини ўз хоҳишича қуриш, ўз хавфсизлигини таъминлаш учун ўзи зарур деб ҳисоблаган чораларни кўриш, ўзининг озодлиги ва мустақиллигига ҳамла қиладиган агрессив кучларга зарба бериш ҳуқуқига эгадир. Бу билан ҳисоблашмаслик — Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг тўғ негизига путур етказиш, ваҳшиёна қонунларни халқаро практикага жорий қилиш, сон-саноқсиз конфликтлар ва урушларни вужудга келтириш демакдир.

Совет ҳукумати ҳозирги ташвишли пайтда АҚШ ҳукуматига жиддий огоҳлантириш билан мурожаат қилишни, президент Кеннеди эълон қилган тадбирларни амалга ошириш билан тинчликнинг тақдири учун оғир жавобгарликни АҚШ ўз зиммасига олаётганлигини, ўт билан ахмоқона ўйнашаётганлигини кўрсатиб, АҚШ ҳукуматини огоҳлантиришни ўз бурчи деб ҳисоблайди.

АҚШ раҳбарлари ҳозир тамомила бошқа замонда яшаётганлигимизни, ниҳоят, тушуниб олишлари керак. Ҳозир эс-ҳушини йўқотиб қўйган кишиларгина «зўравонлик қилиш» сиёсатига умид боғлай оладилар ва бу сиёсатни ўтказиш билан қандайдир муваффақият қозона оламиз, бу сиёсат ўз тартибларимизни бошқа давлатларга мажбуран қабул қилдириш имконини беради, деб ўйлашлари мумкин. АҚШ авваллари ўзини ҳарбий жиҳатдан энг қудратли давлат деб ҳисоблай олган бўлса, эндиликда бундай деб ўйлаш учун ҳеч қандай асос йўқ. Жаҳонда халқларнинг ўз турмушларини ўзлари хоҳлаганларича қуришини ёқлаб чиқаётган қудратлироқ бошқа куч бор. Давлат арбобларидан совуққонлик ва ақлидрок билан иш кўриш ва қилич ялангочлатишга йўл қўймаслик ҳозир ҳар қачонгидан кўра кўпроқ талаб этилади.

Совет ҳукумати Совет Иттифоқи ихтиёридаги барча қурол-яроғлар агрессорлардан мудофаа қилиш мақсадларига хизмат қилмоқда ва бундан буён ҳам хизмат қилади, деб яна бир марта таъкидлайди. Ҳозирги халқаро вазиятда Совет Иттифоқи ихтиёрида қудратли қуролнинг, шу жумладан ракета-ядро қуролининг бўлиши, жаҳондаги барча халқларнинг эътироф қилишича, империализмнинг агрессив кучларини жаҳон қирғинчилик урушини бошлаб юборишдан тийиб тураётган ҳал қилувчи воситадир. Совет Иттифоқи ўзининг шу бурчини бундан буён ҳам зўр қатъият ва изчиллик билан бажара беради.

АҚШ президенти ўз нутқида лоақал битта ядро бомбаси АҚШ территориясига ташланган тақдирда ҳам, Қўшма Штатлар жавоб зарбаси беради, деди. Бу гап бошдан-оёқ мунофиқликдан иборат, чунки Совет Иттифоқи агрессия қилинмаган тақдирда битта ҳам совет ядро бомбаси на АҚШ устига ва на бошқа бирор мамлакат устига ташламайди, деб кўп марта айтиб келди. Совет халқи вужудга келтирган ядро қуроли халқ қўлидадир ва бу қуролдан ҳеч қачон агрессия мақсадларида фойдаланилмайди.

Аммо, агрессорлар урушни бошлаб юборар эканлар, у ҳолда Совет Иттифоқи энг қақшатгич жавоб зарбасини беради.

Совет Иттифоқи ҳамиша Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг принципларига содиқ бўлиб келди, тинчликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилган сиёсатни изчиллик билан ўтказиб келди ва ўтказмоқда. Совет Иттифоқи халқаро кескинликни юмшатиш, давлатлар ўртасидаги конфликт ва низолар ўчоғини тугатиш учун, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларини амалга ошириш учун жуда кўп куч-ғайрат сарф қилаётганлиги бутун дунёга маълум. Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш программасини илгари сурди ва асослаб берди. Бу программанинг амалга оширилиши урушсиз, қуролсиз дунёни барпо қилиш учун реал истиқболлар очиб берган бўлур эди. Бу таклифлар жаҳонда тобора кўпроқ қўллаб-қувватланмоқда, бу таклифлар кишиларнинг онгига сингиб кетди, замоннинг амри бўлиб қолди. Қуролсизланиш иши шу вақтгача илгари силжитилмаган экан, бунинг учун Америка Қўшма Штатлари ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари жавобгардирлар. Улар қуролсизланишдан қўрқмоқдалар, ўз хоҳишларини бошқа мамлакатларга мажбуран қабул қилдириш йўлидаги уринишларида мададкор бўлган зўравонлик қуролидан воз кечишни истамаётирлар.

АҚШ ҳукумати Куба Қўшма Штатларнинг хавфсизлигига таҳдид қилмоқда. Аммо, Куба АҚШни хавф остида қолдириши мумкин деган гапларга ким ишонади? Ҳар иккала мамлакатнинг ҳажми ва ресурслари тўғрисида, уларнинг қурол-яроғлари ҳақида гапириладиган бўлса, соғлом фикр юритувчи давлат арбобларининг бирортаси ҳам Куба Америка Қўшма Штатларига ёки бошқа бирон мамлакатга хавф туғдириши мумкин деб асло ўйлай олмайди. Кичкина Куба Америка Қўшма Штатларининг хавфсизлигига гўё ҳамла қилиши мумкин, деб айтиш лоақал риёкорликдан бошқа бир нарса эмас.

Кубаликлар Америка Қўшма Штатларининг таҳдидидан ўз юрти, ўз мустақиллигининг хавфхатарсиз бўлишини таъминлашни истайдилар. Куба ҳукумати ақлидрок ва виждон билан иш кўришга даъват этмоқда. АҚШ ни Кубанинг мустақиллигига қасд қилишдан воз кечишга Куба давлати билан нормал муносабатлар ўрнатишга чақирмоқда. Куба ҳукумати барча низолари масалаларини АҚШ ҳукумати билан музокаралар олиб бориб ҳал этишга интилаётганлигини расмий суратда баён қилганлиги аққол далил эмасми, ахир.

Куба Республикасининг президенти О. Дортикос ҳали яқиндагина Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзлаган нутқида яна қуйидагиларни айтди: Куба «Қўшма Штатлар билан Куба ўртасидаги мавжуд ихтилофларни муҳокама қилмоқ учун одатдаги дипломатик воситалар билан ёки бошқа ҳар қандай йўл билан музокаралар олиб боришга доим тайёр эканлигини билдирди». Эндиликда АҚШ президенти Куба ҳукуматининг ана шу гаплари, гўё, кифоя эмас, дейди. Аммо шу йўл билан ҳар қандай агрессив ниятни, ҳар қандай авантюрани ҳам оқлаш мумкин.

Совет Иттифоқининг Кубага ёрдами тўғрисида шуни айтиш керакки, бу ёрдам Кубанинг мудофаа қобилиятига кўмаклашиш мақсадларинигина кўзда тутади. Э. Гевар ва Э. Арагонеслардан иборат Куба делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши тўғрисида шу йил 3 сентябрда эълон қилинган Қўшма Совет-Куба ахборотида айтиб ўтилганидек, Совет ҳукумати Куба ҳукуматининг Кубага қурол-яроғ билан ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосини қондиришга рози бўлди. Ахборотда айтилишича, бу қурол-яроғ ва ҳарбий техника нуқул мудофаа мақсадлари учунгина мўлжалланган. Ҳар иккала мамлакатнинг ҳукуматлари ҳозирги вақтда ҳам ана шу позицияларда маҳкам турибдилар.

Куба Республикаси ташкил топган биринчи кунларданоқ доим Қўшма Штатларнинг таҳдиди ва иғволарига дучор бўлиб келаётганлиги Кубанинг мудофаасини мустаҳкамлашда совет ёрдами берилишини тақозо этди.

АҚШ Куба халқини ўзи кураштириб қўлга киритган озодлик ва мустақилликдан маҳрум этиш, уни Америка монополиялари ҳукмронлигига яна бўйсундириш, Кубани АҚШ нинг қўғирчоғига айлантириш учун, 1961 йил апрель ойида бўлгани каби, Кубага қуролли интервенция уюштиришдан ҳам тап тортмаётир.

АҚШ Кубанинг ўз-ўзини мудофаа қилиш учун зарур бўлган ҳарбий техника Куба территориясидан олиб чиқилишини талаб этмоқда. Ўз мустақиллигини қадрловчи бирор давлат ҳам, албатта, бунга рози бўлолмайди.

Совет Иттифоқи барча чет эл қўшинларини ўзгаларнинг территорияларидан ўзларининг миллий чегараларига ёки бошқа бирон мамлакатга хавф туғдириши мумкин деб асло ўйлай олмайди. Кичкина Куба Америка Қўшма Штатларининг хавфсизлигига гўё ҳамла қилиши мумкин, деб айтиш лоақал риёкорликдан бошқа бир нарса эмас.

Куба Республикасининг президенти О. Дортикос ҳали яқиндагина Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзлаган нутқида яна қуйидагиларни айтди: Куба «Қўшма Штатлар билан Куба ўртасидаги мавжуд ихтилофларни муҳокама қилмоқ учун одатдаги дипломатик воситалар билан ёки бошқа ҳар қандай йўл билан музокаралар олиб боришга доим тайёр эканлигини билдирди». Эндиликда АҚШ президенти Куба ҳукуматининг ана шу гаплари, гўё, кифоя эмас, дейди. Аммо шу йўл билан ҳар қандай агрессив ниятни, ҳар қандай авантюрани ҳам оқлаш мумкин.

Совет Иттифоқининг Кубага ёрдами тўғрисида шуни айтиш керакки, бу ёрдам Кубанинг мудофаа қобилиятига кўмаклашиш мақсадларинигина кўзда тутади. Э. Гевар ва Э. Арагонеслардан иборат Куба делегациясининг Совет Иттифоқида бўлиши тўғрисида шу йил 3 сентябрда эълон қилинган Қўшма Совет-Куба ахборотида айтиб ўтилганидек, Совет ҳукумати Куба ҳукуматининг Кубага қурол-яроғ билан ёрдам бериш тўғрисидаги илтимосини қондиришга рози бўлди. Ахборотда айтилишича, бу қурол-яроғ ва ҳарбий техника нуқул мудофаа мақсадлари учунгина мўлжалланган. Ҳар иккала мамлакатнинг ҳукуматлари ҳозирги вақтда ҳам ана шу позицияларда маҳкам турибдилар.

Куба Республикаси ташкил топган биринчи кунларданоқ доим Қўшма Штатларнинг таҳдиди ва иғволарига дучор бўлиб келаётганлиги Кубанинг мудофаасини мустаҳкамлашда совет ёрдами берилишини тақозо этди.

АҚШ Куба халқини ўзи кураштириб қўлга киритган озодлик ва мустақилликдан маҳрум этиш, уни Америка монополиялари ҳукмронлигига яна бўйсундириш, Кубани АҚШ нинг қўғирчоғига айлантириш учун, 1961 йил апрель ойида бўлгани каби, Кубага қуролли интервенция уюштиришдан ҳам тап тортмаётир.

АҚШ Кубанинг ўз-ўзини мудофаа қилиш учун зарур бўлган ҳарбий техника Куба территориясидан олиб чиқилишини талаб этмоқда. Ўз мустақиллигини қадрловчи бирор давлат ҳам, албатта, бунга рози бўлолмайди.

Шу фактларни эътиборга олганда, президент Кеннедининг АҚШ ҳукумати Кубани мудофаа воситаларидан маҳрум этиш тўғрисидаги ғаразли талаблари билан гўё тинчлик манфаатларига амал қилади, деган гаплари ўтакетган сохта гаплар эканлиги аён бўлиб қолади.

Тинчликсевар давлатлар Куба соҳилларига қараб йўл олган кемаларга нисбатан АҚШ президенти эълон қилган қароқчилик ҳаракатларига қарши, очиқ денгизда суверен давлатларнинг кемалари устидан контроль ўрнатилишига қарши норозилик билдирмай қололмайдилар. Маълумки, Америка давлат арбоблари халқаро ҳуқуқ принципларига содиқ эканликлари тўғрисида гапиришни, жаҳонда ҳуқуқ-тартиб бўлиши зарур эканлиги тўғрисида гап сотишни яхши кўрадилар. Аммо улар амалда қонунлар АҚШ учун эмас, балки бошқа давлат учун ёзилган деб ҳисобласалар керак. АҚШнинг Куба соҳилларини амалда блокада қилиши иғвогарлик ниятида кўйилган қадам бўлиб, халқаро ҳуқуқни мисли кўрилмаган даражада бузиш, барча тинчликсевар халқларга даҳдаҳа қилишдир.

АҚШ ҳозирги кунда бошқа мамлакатларнинг Куба билан савдо-сотиқ қилишини ва Кубага товарлар ҳамда юк ташиш учун ўз кемаларидан фойдаланишни тақиқлашга уринаётган экан, Америка ҳукмрон доиралари сиёсати ёки социал тузуми АҚШ даги ҳукмрон доираларга ёқмаган бошқа ҳар қандай давлатга қарши худди шундай чоралар кўрилишини эрта-индин талаб қилишларини ҳам кўрмай қолиш мумкин эмас.

АҚШ ҳукумати ўзини давлатларнинг ўз мудофаасини қандай ташкил этаётганликлари тўғрисида АҚШ ҳукумати олдида ҳисоб бериб туришини, очиқ денгиздаги ўз кемаларида қандай нарсалар ташиётганликлари тўғрисида маълумот бериб туришини талаб қилиш ҳуқуқига эга деб кўрсатмоқчи бўлади.

Совет ҳукумати бундай даъволарни қатъий рад этади. Америка империализмининг қабиҳ ҳаракатлари бутун инсоният учун ҳалокатли оқибатлар келтириши мумкинки, ҳеч бир халқ, шу жумладан АҚШ халқи ҳам буни хоҳламайди.

АҚШ ҳукумати томонидан Куба теварагида вужудга келтирилган аҳволнинг гоят жиддийлигини эътиборга олиб, Совет ҳукумати Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги ўз вакилига «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг бузилиши ва Америка Қўшма Штатларининг тинчликни хавф остида қолдирганлиги тўғрисида»ги масалани қараб чиқиш учун дарҳол Хавфсизлик Кенгашини чақириш масаласини қўйиш ҳақида кўрсатма берди.

Совет Иттифоқи барча ҳукуматлар ва халқларга мурожаат қилиб, Америка Қўшма Штатларининг Кубага ва бошқа давлатларга нисбатан агрессив ҳаракатларига қарши қаттиқ норозилик билдиришга, бу ҳаракатларни қатъий қоралашга ва АҚШ ҳукуматининг термоядро уруши бошлаш йўлига ғов солишга чақиради.

Совет ҳукумати АҚШ империалистик доираларининг агрессив ниятларини барбод этиш, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлаш учун қўлидан келган ҳамма чораларни кўради.

Совет ҳукумати қатъий ишонч билдириб айтадики, совет халқи Совет Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қувватини мустаҳкамлаш учун янада зўр ғайрат билан меҳнат қилади. Совет ҳукумати мамлакатимизнинг ғафлатда қолмаслиги ва агрессорга муносиб жавоб қайтаришга қодир бўлиб туриши учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўради.

ВАРШАВА ШАРТНОМАСИ МАМЛАКАТЛАРИ БИРЛАШГАН ҚУРОЛЛИ ҚУЧЛАРИ ШТАБИДА

Маълум бўлишича, Америка ҳукуматининг иғвогарлик ҳаракатлари ва Америка ҳарбийларининг агрессив ниятлари муносабати билан Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар бирлашган қуролли кучлари бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали **А. А. Гречко** бугун, 1962 йил 23 октябрда Варшава шартномасида қатнашувчи мамлакатлар армияларининг офицерлари — вакилларини чақирди ва бирлашган қуролли кучлар составидаги қўшинлар ҳамда флотларнинг жанговар тайёрлигини ошириш юзасидан бир қанча тадбирлар кўриш тўғрисида кўрсатма берди.

КОСМИК ФАЗОГА ЖАҲОНДА БИРИНЧИ МАРТА ГРУППА БЎЛИБ ҚИЛИНГАН ПАРВОЗ

Асосий якунлар

МОСКВА, 22 октябрь. (ТАСС). Совет космонавтлари қилган дастлабки парвозларнинг натижалари, улар тушган кемалар конструкциясининг ва аппаратлар комплексининг ана шу парвозлар вақтидаги иши тўғрисида олинган ижобий маълумотлар космик тадқиқотларда янги муҳим қадамни қўйиш — совет космонавтларини иккита космик кемада группа тарзида парвоз қилдириш имконини берди.

Ана шу парвоз вақтида медицина-биологияга ва техникага доир бир қанча янги проблемаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган тадқиқотлар ҳамда тажрибаларни ўтказиш планлаштирилган эди.

Ҳозир «Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош кемаларида ўтказилган тадқиқотлар ва тажрибаларнинг асосий якунлари тўпланди. Бу якунлар кемалар конструкциясининг хусусиятларига, группа бўлиб парвоз қилиш вақтида бошқариш ва ўлчаш ишлари, «Восток-3» ва «Восток-4» кемалари билан радио ва телевизион алоқа қандай бўлганлигига, радиация хавфсизлиги қай тарзда таъмин этилганлигига, медицина — биологияга оид масалаларга таллуқлидир.

Олимлар кемалар конструкциясининг хусусиятларини тавсифлаб, жумладан, кемаларни пастлатиш методлари олдиндан белгилаб қўйилганлигини таъкидлаб кўрсатмоқдалар.

Махсус скафандр кийган космонавт парвоз вақтида катапультали креслога ўтириб олади. Орбитадан тушиш вақтида космонавт ёхуд кабинада ўтирган ҳолича ерга қўниши, ёхуд баландлик оз қолганда креслода ўтирган ҳолича кабинадан отилиб чиқиши ҳамда кемадан ажралган ҳолда парашютда ерга қўниши мумкин. Космонавтнинг кемадан ажралган ҳолда парашютда ерга қўниши қуруқликка қўниш вақтида бир қанча афзалликларга эгадир, чунки жойнинг рельефи, шамол ва шу кабилар ерга қўниш шароитларини мураккаблаштириб қўйиши мумкин. Шу сабабли «Восток-2» кемасининг парвози вақтида бўлганидек, группа бўлиб парвоз қилиш вақтида ҳам учиш программасига ҳамда космонавтларнинг ўз истагига мувофиқ, уларнинг кемадан ажралган ҳолда қўниш эҳтимоли кўзда тутилди. Бироқ, шуни қайд қилиб ўтиш лозимки, ҳамма парвозлар вақтида (шу жумладан группа бўлиб қилинган сўнгги парвоз вақтида) кемаларни қўндириш системаси ҳам нормал ишлади ва кемалар батамом бешикаст ҳолда ерга қўнди.

Орбиталарнинг параметрларини ўлчаш, телеметрик ва телевизион ахборотларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, радио орқали икки томонлама алоқа боғлашни ва кемаларни бошқаришни таъминлаш учун Ерга ўрнатилган ўлчов комплексидан фойдаланилди.

(ОХИРИ УЧИНЧИ БЕТДА)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАШИНАЛАРИНИ РЕМОНТ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ КЕНГАШИ

Бугун Москвада тракторларни ва қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш масалаларига бағишланган Бутуниттифоқ семинар-кенгаши очилди.

Кенгаш қатнашчилари — «Сельхозтехника» республика, область ва ўлка бирлашмаларининг, шунингдек район бўлимларининг вакиллари, территориал ишлаб чиқариш бошқармаларининг мутахассислари, колхоз ва совхозларнинг бош инженерлари тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини яхшилашнинг амалий чораларини муҳокама қиладилар, бу соҳадаги энг янги ютуқлар билан таниширадилар. Улар Москва атрофидаги ремонт корхоналарини ҳам бориб кўрадилар.

Семинар-кенгаш олти кун давом этади. (ТАСС).

Суратда: съезд қатнашчиларидан бир группаси: (биринчи қаторда чапдан ўнгга) артист Р. Пирмуҳамедов, режиссёр И. Аъзамов, СССР халқ артисти И. Пирьев, режиссёрлардан З. Собитов, Л. Файзиев ва К. Ерматов ўртоқлар ўзаро суҳбатлашмоқдалар.

А. Палехов фотоси.

ДАВРИМИЗГА МУНОСИБ ЯНГИ КИНОФИЛЬМЛАР ЯРАТАЙЛИК

22 октябрь куни Чиланзорда қад кўтараётган «Узбекфильм» кино шаҳарчасида байрамона тантанали руҳ ҳукмрон эди. Бу ерга йиғилган оператор ва рассомлар, композитор ва ёзувчилар, режиссёр ва монтажчилар маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеа — янги ижодий ташкилотнинг туғилишига шоҳид бўлдилар.

Мана, соат 10 ҳам бўлди. Киностудиянинг катта зали таъсис съездининг делегатлари, жамоатчилик вакиллари, журналистлар, ёзувчилар ва меҳмонлар билан тўлди.

Ўзбек киносининг ветерани, таниқли кинорежиссёр Комил Ерматов минбарда пайдо бўлади. У ўзининг ўзбек кинематографлари биринчи съездини очиш шарафига муяссар бўлганлиги билан бахтиёр эканлигини изҳор қилиб, салкам қирқ йил ичида ўзбек киноси шаклланиб, маданий ҳаётимизнинг бақувват, зарбдор отрядларидан бирига айланганлигини ва бу ишда рус ва бошқа халқларнинг талантли вакиллари, Гардин, Фрейлих, Гертель сингари ажойиб режиссёрлар кўп ижодий ёрдам берганликларини қувонч билан сўзлайди.

Съезднинг раҳбар органлари сайланади. СССР халқ артисти Олим Хўжаевнинг таклифига мувофиқ Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Президиуми фахрий президиумга сайланганда гулдурос қарсаклар янграйди.

Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи ташкилот бюросининг раиси Латиф Файзиев сўз олади.

У «Коммунистик қурилиш ва Ўзбекистон кино санъатининг вазифалари» деган темада мазмунли доклад қилади.

Докладчи партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги натижасида Ўзбекистонда кино санъати йилдан-йилга тараққий этиб, замонамизнинг энг актуал темаларини кўтариб чиқадиган, коммунистик жамият қурувчиларнинг ишларини улуғлайдиган бадиий фильмлар ишлаб чиқариш ишлари яхшиланаётганлигини айтади. Л. Файзиев режиссерлик маҳорати, кинодраматургия проблемалари, артистлар маҳоратини ошириш, оператор ва ўрта ихтисоли кадрлар тайёрлаш масалалари ҳақида батафсил гапирди.

Докладчи ва музокарага чиққан нотиқлар ўзбек кинематографиясини янада ривожлантириш билан боғлиқ бўлган бир қатор ижодий масалалар тўғрисида куюниб гапирдилар.

Биринчи бўлиб сўзга чиққан режиссер Иўлдош Аъзамов студияда киносценарийлар яратиш соҳасидаги ишларнинг қониқарсиз ташкил этилганлигини, бир қанча яхши сценарийлар ҳаракатсиз ётганлигини, баъзан эса пишиб етилтирилмаган сценарийлар ҳам ишлаб чиқаришга туширилиши, бунинг натижасида фильмни съёмка қилаётган ижодий ходимларнинг қўли боғланиб қолаётганлигини айтади. Режиссёр актёрлар масаласи киностудия ижодий ходимларини кўпроқ ташвишлантираётганлигини, «Узбекфильм»нинг 15 кишилик актёрлар студияси тарқатиб юборилиб чакки иш қилинганлигини, шунингдек Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида кино пропагандаси ишларининг қониқарсиз йўлга қўйилганлигини кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон ёзувчилари союзининг секретари Рамз Бобожон, кинодраматург Файзулла Хўжаев ўртоқлар «Узбекфильм»да ёзувчилар билан ишлаш қониқарсиз эканлигини айтдилар, С. Зуннунова, Р. Галимов, И. Султонов, З. Фатхуллин асарлари сарсон бўлиб ётганлигини, «Беш оғайни», «Истиқбол йўли» сценарийлари авторларнинг розилигисиз ўзбошимчалик билан ўзгартирилларилиши натижасида бадиий қимматини анча йўқотганлиги ҳақида гапирдилар. «Узбекфильм»да рад этилган бир қанча сценарийлар асосида Тожикистон ва Озарбайжон студиялари яхши-яхши фильмлар яратганлар.

Ўзбекистон композиторлар союзининг биринчи секретари Собир Бобоев композиторлар билан ишлашни яхшилаш, уларнинг ижодига меҳрибонлик билан қараш, ҳамкорликни кучайтириш, шунингдек энг яхши музика асарларини пропаганда қилувчи бадиий, илмий-оммабоп фильмлар яратиш зарурлигини айтади.

Рассомлардан Ч. Аҳмаров ва Э. Қаландаров ўртоқлар ўз нуқталарини тасвирий санъат ва кинематография масалаларига бағишлаб, бу соҳадаги камчиликларни очиб ташладилар.

Киев киностудиясининг режиссёри И. Ф. Швачко Улуғ Ватан уруши даврида украиналик кинематографлар Узбекистонда ўз ўй-ларидагидек ишлаб, ижод этганликларини, ўз навбатида Латиф Файзиев ва бошқа ижодкорлар украиналик ноталантлар ишлаганлиги кўп нарса ўрганганликларини ифтиҳор билан сўзлайди. «Тожикфильм» студиясининг директори Н. Исломов икки республика кино ходимлари ўртасидаги ижодий алоқалар кучайиб бораётганлигини айтади. У Латиф Файзиевнинг киностудиялар ҳузурида ижодий бирлашмалар ташкил этиш ҳақидаги фикрини ривожлантириб, бундай уюшмаларни республикаларо, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистон киностудиялари ўртасида ташкил этиш ва бу уюшма заминида ҳамма республикалар учун зарур бўлган талантли артистлар, операторлар ва техник ходимлар тайёрлаб чиқаришни марказлаштириш лозим деб кўрсатди.

— «Узбекфильм» қирқ йиллик тарихи мобайнида кўпгина яхши фильмлар яратди,—дейди киношунос ўртоқ К. Димова.—Лекин нечундир урушдан олдин, айниқса овозсиз кинематография даврида яратилган фильмлар унутиб юборилаёзди. Давлат фильмлар фондида сақланаётган мазкур фильмларнинг нусхаларини олиб келтириш ва уларни вақти-вақти билан телевидение ва кинотеатрларда кўрсатиб туриш зарур.

Атоқли киношунос И. Вайсфельд ўз нутқини ўзбек кинодраматургиясининг ижодий масалаларига бағишлади. У режиссёр Шуҳрат Аббосовнинг «Сен етим эмассан» фильми ҳақидаги таассуротларини айтиб, унга юксак баҳо берди.

СССР халқ артисти Иван Пирьевнинг сермазмун нутқи зўр қизиқиш билан тингланди. Нотиқ КПСС Марказий Комитетининг кинематография ишини ривожлантириш ҳақидаги янги қарорини батафсил таҳлил қилиб берди.

Докладчи ва нотиқлар Ўзбекистонда бадиий ва ҳужжатли кинематографияни ривожлантириш учун моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, Москвада ва Тошкентда актерлар студияси ташкил этиш, миллий республикалар ижодий ходимлари билан алоқани мустаҳкамлаш каби бир қанча масалаларга оид конкрет таклифларни ўртага ташладилар.

Съезд Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи ташкилот бюросининг тўрт йиллик фаолиятини қониқарли деб баҳолади ва ташкилий масалаларга ўтди. Янги ижодий ташкилот — Ўзбекистон кино ходимлари союзи барпо этилди. Союзнинг 19 кишидан иборат правлениеси сайланди. Ўзбекистон кино ходимларидан 14 киши Москвада бўладиган СССР кинематография ходимлари союзи биринчи таъсис съездига делегат қилиб сайланди.

Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи биринчи таъсис съезди томонидан сайланган правлениенинг пленуми бўлди. Пленумда ташкилий масалалар кўрилди. Ўзбекистон кинематография ходимлари союзи правлениесининг биринчи секретарлигига режиссёр Латиф Файзиев сайланди. Туроб Тўла, М. Барсукова, М. Қаюмов, З. Собитов ўртоқлар правлениенинг секретарлари қилиб сайландилар.

ҚЎШИҚ ҚИЛИБ АЙТГУЛИК...

Ҳамон кезаман Чотқол тоғида
жайрон янглиғ,
Суқим келар бу тоғнинг ҳар
жилға, ҳар сойига.
Ялпиздан болиш қилиб
ҳам равочдан наҳорлик,
Шаҳарда, тоғда бўлмай
йўлдошим бахтиёрлик.
Қўнар бўлдим бу кеча
Қарғасойнинг бўйига,
Қарғасойнинг бўйига қўндим
қўлда тор билан,
Тонг чоғи Оҳангарон номини
улуғлаган
Улкан завод томонга бордим
лолазор билан.
Бордим лолазор билан
Қичқиё ёнбағрига,
Қуйида завод саси тутарди
еру-кўкни:
Қудратини, ишини
анов йилқичи йигит
Таърифларди ўзича қўндириб
бошга бўркни:
— Лентаси бир аломат,
Бу на сир, на каромат!
Буни қурган инженер
Минг йил бўлсин саломат.
Тошни талқон, ун қилгай,
Хоҳласа бутун қилгай.
Ватанга истаганча
Цементни тўкин қилгай.
Ҳали ўзи ёш завод
Чотқолга сирдош завод.
Бўйдор трубалари
Осмонга туташ завод.
Кўриб дилдан тан бердим,
бул заводнинг ишига
Ерни ларзага солиб шердай
ўкиришига,
Ҳар винтининг лўкмони —
инженер бардошига,
Ларисадай ишчиси — бир
қайрилма қошига...
Қўшиқ қилиб айтгулик
фаровон турмушим бор;
Қайда бўлмай партия меҳри-
дилимга жодир.
Шаънига тонг мадҳия ўқимоқ
камлик қилур,
Юртни гул эта олди мудом
ҳар ишга қодир.

Тўра СУЛАЙМОН.

СИЕСИЙ УҚИШНИ ЮКСАК САВИЯДА ЎТКАЗАЙЛИК

МУВАФФАҚИЯТИМИЗ ГАРОВИ

Областимиз шаҳарларида 1 октябрдан, қишлоқ районларида эса 15 октябрдан сиёсий маориф шохобчаларида машғулотлар бошланди. Бу йилги янги ўқув йили КПСС XXII съездининг бир йиллиги нишонланаётган бир пайтда бошланди. Инсоният тарихида олтин саҳифалар яратган бу съезд марксча-ленинча идеяларни янада бойитди. Коммунизм қурилиши Программасининг қабул қилиниши эса кишилик тарихида янги даврни—коммунизм принципларини бевосита амалга ошириш даврини бошлаб берди.

Областимиз меҳнаткашлари ўтган сиёсий маориф ўқув йилида XXII съезд материалларини ўрганиш натижасида партиянинг халқ олдига қўйган вазифаларини чуқур ўрганиб уни изчиллик билан амалга оширишда актив иштирок этмоқдалар. Саноат корхоналарида тўққиз ойлик план муддатидан илгари шараф билан адо этилди. Областимиз деҳқонлари ёз бўйи бепоён далаларда қаҳрамонона меҳнат қилдилар. Уларнинг билак кучлари билан далада мўл ҳосил етиштирилди. Пахтакорларимиз бу ҳосилнинг 320 минг тоннадан кўпроғини йиғиб-териб олдилар.

Областимиз меҳнаткашларининг сиёсий онги, қобилияти ўсганлиги ҳисобга олиниб 1962—1963 ўқув йилига пухта тайёргарлик кўрилди. Натижада ўтган йилгидан кўра савияси жиҳатидан анча юқори, кенг тармоқли сиёсий мактаб, тўғарак ҳамда семинарлар ташкил этилди. Бу йил сиёсий маориф шохобчаларида 213237 киши шуғулланади. Бу ўтган ўқув йилдагига нисбатан 10 минг кишига кўп. Шулардан 71136 киши коммунистлардир.

Сиёсий маориф шохобчаларининг ўсиши коммунист ва партиясизлар оммасининг марксизм-ленинизм назариясини, коммунистик қурилиш проблемаларини янада чуқурроқ билиб олишга ҳаракат қилаётганлигидан далолат бериб турибди.

Аввалгидек бу йил ҳам асосий эътибор раҳбар кадрларнинг, кенг ишчилар оммаси ҳамда колхозчиларнинг билимларини оширишга қаратилади.

Бошланғич экономика мактабларида конкрет экономика асосларини ўрганиш кенг қулоч ёйди. 1960—1961 ўқув йилида 32393 тингловчига эга бўлган 1342 та мана шундай мактаблар ишлаган бўлса, бу йил буларнинг сони 1540 тага етказилади.

Малакали кадрлар тайёрлашда иқтисодий билимларни кенг пропаганда қилиш, унинг таъсир кучини оширишни назарий семинарлар программаси билан боғлаб олиб бориш муҳим роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалигини эффективлик бошқаришда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш зарур шартлардан биридир.

Тошкент, Чирчиқ ҳамда Бекобод шаҳридаги металлургия заводида ўтказилган назарий конференцияларда ташкилий ва идеологик ишлар асосий тема бўлди. Ўтган йили сиёсий мактаб, тўғарак, семинарларда ўтказилган практик машғулотлар яхши натижалар берди. «ЎзССР беш йиллиги» совхозида Ф. Исмоилов, 1-«Далварзин» совхозида Д. Асимов, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозида К. С. Цой, Пискент районидаги Охунбобоев номли колхозда М. Халилов каби пропагандист ўртоқлар ўзларининг юқори савиядаги декциялари билан бошқаларга ўрнак бўлдилар. Шу билан бир қаторда 2-«Далварзин» совхози, Бўка ҳамда Гулистон районларида айрим пропагандист ўртоқлар тингловчилар олдида баланд овоз билан қироатхонлик қилишдан нарига ўтмадилар. Айрим партия ташкилотларида машғулотлар ўтказилмай қолган пайтлар ҳам бўлди. Бундай партия ташкилотларининг секретарлари ўтган йили йўл қўйилган камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб олганларича йўқ. Ўртоқ А. М. Базанов секретарь бўлган Оҳангарон ГРЭС бошланғич партия ташкилотида 2 октябрь куни сиёсий маориф шохобчаларида машғулот ўтказилиши керак эди. Лекин пропагандистларнинг ўз ишларига совуқконлик билан қарашлари натижасида машғулот ўтказилмади. Оҳангарон шаҳрида КПСС тарихини ўрганиш тўғарагида ҳам машғулот қолдирилди.

Шуни айтиш керакки, бошланғич партия ташкилотлари сиёсий маориф шохобчаларида тўғарак ва семинарларда ўтказиладиган машғулотларнинг юқори савияда бўлишини таъминлаш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларни яратиб беришлари керак.

Колхоз ва совхоз кадрларининг иқтисодий тайёргарлигини ошириш учун район партия комитети ҳамда ишлаб чиқариш бошқармаларида махсус семинарлар ўтказиш керак. Бундай семинарларда жойлардаги илғор хўжаликлар мисолида экономикани кўтаришда муҳим роль ўйнайдиган резервлар ҳақида фикр юритиш керак бўлади. Партия комитетлари тўғарак, мактаб ҳамда семинарлар ишига доимий раҳбарлик қилиб туришлари лозим. Айниқса пропагандистлар ишини системали кузатиб боришга тўғри келади, чунки партия пропагандасининг муваффақияти пропагандистга бевосита боғлиқдир. Партия пропагандисти—ҳар томонлама тайёрланган, коммунизм ғалабаси учун ҳормай-толмай курашувчи ҳамда янги инсонни тарбияловчи кишидир.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Тошкент области ҳамда шаҳар партия комитетлари қошида ташкил этилган курсларда янги ўқув йилида 2 мингга яқин пропагандист тайёрланди. 150 киши пропагандистлар тайёрловчи экономика мактабининг қишлоқ хўжалик экономикаси бўйича 2 йиллик сиртқи бўлимини битириб чиқдилар. Улар областимизнинг турли районларида пропагандист бўлиб ишламоқдалар.

Янги ўқув йилида сиёсий мактаб, тўғарак ҳамда семинарларда ўтиладиган темаларни тингловчилар зўр қизиқиш ва муҳаббат билан ўрганишларига эришиш асосий вазифалардан биридир. Сиёсий маориф шохобчаларида олиб бориладиган ўқиш КПСС XXII съезди халқ олдига қўйган вазифаларни оғишмай амалга оширишда ўз самарасини кўрсатиши лозим.

Т. САЛОҲИДДИНОВ.

МЕТАЛЛУРГЛАР ИҚТИСОДИЙ БИЛИМНИ ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР

Бекобод шаҳридаги В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия заводида ҳар йилдагидек бу йил ҳам сиёсий маориф ўқиши муваффақиятли суратда бошлаб юборилди. Коммунистик меҳнат цехи деган олий унвон олган цех коллективи товар маҳсулоти ишлаб чиқариш тўққиз ойлик планини ошириб бажарди.

Цех бригадалари орасида мамлакатимиз металлургларига маълум бўлган Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ўртоқ Саид Нуриддинов бошқараётган коллектив ўзининг баракали меҳнати билан намуна бўлаяпти.

Шуни айтиш керакки, прокат цехи металлурглари қўлга киритаётган бу муваффақиятларнинг сири ишчиларнинг техника ҳамда экономика билимларини изчил эгаллаб бораётганликларидадир.

Бу йил цехнинг 400 га яқин ишчиси саноат корхоналари экономикаси асосларини ўрганадилар. Прокат цехининг ўзида саноат корхоналари экономикаси асосларини ўрганувчи 14 та тўғарак ташкил қилинди. Бу ўтган йилдагидан 6 та кўп демакдир. 300-станнинг 2- бригада ишчилари иштирок этаётган бошланғич экономикани ўрганиш тўғараги машғулотлари айниқса қизиқарли ўтаяпти. Бригада ишчилари бу йил биринчи марта саноат корхоналари экономикасини ўрганаётирлар. Тўгаракда ўрта техник маълумотли, прокат цехининг печь мастери ўртоқ Б. П. Галкин машғулот олиб боради. Бу бригада коллективи бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун шиори остида баракали меҳнат қилиб тўққиз ойлик ишлаб чиқариш планини ошиғи билан бажарди. Бригаданинг пайвандчиси Рўзиқул Юсупов, вальцовкачилардан Рўзимат Ғойибназаров, Евгений Галахов каби ишчилар ўзларининг меҳнатсеварлиги билан бошқаларга намуна бўлмоқдалар. Биринчи машғулотда пропагандист ўртоқ Б. П. Галкин тингловчиларга иқтисодий билимларни тобора чуқурроқ эгаллаш коммунизм қуриш ишида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритишнинг калити эканлиги ҳақида батафсил гапирди. Биринчи машғулотда «Коммунизм — бизнинг мақсадимиз», «Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда саноатнинг роли» каби темалар кенг муҳокама қилинди. Пропагандистлар ишчиларнинг эътиборини маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда унинг таннархини камайтириш, шунингдек янги-янги таклифларнинг кўпроқ жорий этилишига боғлиқ эканлигига қаратмоқдалар. Прокат цехи коллективи рентабель ишлашга ўтиш учун курашмоқда. Бундай усулга ўтиш учун маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга унинг таннархини камайтириш керак бўлади. Ҳозир прокат цехи ҳамда завод давлатдан дотация олади. Тунука стани икки йилдан бери давлатдан дотация олмасдан ишлаяпти. Хўш, тунука цехининг рентабель ишлашга ўтишининг сири қаерда? Ўртоқ Галкин бунинг сирини батафсил тушунтириб тунука станининг рентабель ишлашга ўтишининг асосий негизи сифатсиз маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кескин камайтириши ҳамда кўп маҳсулотларни фақат биринчи сортларда ишлаб чиқаришга эришишида эканлиги ҳақида гапирди.

— Масалан, прокатнинг иккинчи сорти биринчи сортига нисбатан 25 процент, учинчи сорти эса 30 процент арзон туради, — дейди ўртоқ Галкин. Кўриниб турибдики, тайёрланаётган маҳсулот сортининг бузилиши билан унинг нархи ҳам пасайиб кетади.

Тунука станида маҳсулот сифатини яхшилаш ҳамда унинг таннархини камайтириш билан бирга механизациядан унумли фойдаланиш, новаторлик таклифларини амалга ошириш ҳисобига ишчи кучлари анча қисқартирилди.

Шуни айтиш керакки, биринчи машғулот тингловчиларда катта таассурот қолдирди. Чунки бу машғулотда ишчилар меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш учун қандай ишлар қилиш кераклигини билиб олдилар. Ҳа, улар коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш учун ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш йўлларини яна бир маслаҳатлашиб олдилар.

М. НОВИКОВ.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ ПОДШИПНИКЛАР

Тошкент подшипник заводи пахта териш машиналарининг бир неча мингта ўзиюрар шассилари учун пландан ташқари подшипниклар ишлаб чиқарди.

Хатам Муҳаммаджонов бошлиқ шлифовкачилар бригадаси заводда пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқаришда рекорд қўйди. Бригада смена топшириғини кун сайин 125—135 процент бажармоқда. Трактор подшипниклари учун тайёрланган ҳалқаларнинг ҳаммаси фақат аъло сифатли қилиб топширилмоқда. (ЎзТАГ).

МАШИНАСОЗЛАР МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Улуғ Октябрнинг 45 йиллик байрамини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани ҳар қачонгидан ҳам қизитиб юборган Тошкент экскаватор заводи коллективи ўз имкониятларини қайта кўриб чиқиб, 1965 йилга мўлжалланган даражадан шу йилиёқ ўзиб кетишга аҳд қилди.

Бу катта вазифани ҳал этишда корхона рационализаторлари ва ихтирочилари, коммунистик меҳнат зарбдорлари айниқса салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Механика ва йиғув цехларининг коммунистик меҳнат зарбдорлари Йўлдошев, Уварова, Филиппин, Манъхос каби ўртоқлар ғайрат-шижоат билан ишлаб, бошқаларга намуна бўлмоқдалар.

Бу йил завод бўйича икки юзга яқин рационализаторлик таклифи тушди. Улардан кўпчилиги ишлаб чиқаришга жорий қилинди. Бу таклифлар эвазига завод бир неча ўн минг сўмлик маблағни иқтисод қилди.

Заводнинг аниқ деталь тайёрлаш участкасидаги иш процесслари қуюв цехларидагидан бутунлай фарқ қилади. Бу участкада аниқ формаларга эритилган металл-пўлат, бронза қуйилади ва тайёр бўлган деталларга ҳеч қандай механик ишлов берилмайди.

Участка коллективи «Ташсельмаш», «Узбекпродмаш» ва трактор-йиғув заводларига ҳам кўплаб шу хилдаги қуйилмалар етказиб бермоқда. Аниқ деталь қуювчилар шу кунларда айниқса унумли меҳнат қилаётирлар. Комилжон Собиров бошчилик қилаётган бронза қуювчилар бригадаси кунлик топшириқни 110—130 процентдан бажармоқда. Илғор ишчилардан Жалолов, Тожиев, Ткаченко, Луганский, Куделько каби ўртоқлар смена нормаларини 110—150 процент адо этаётирлар.

Н. МУМИНОВ,
инженер-конструктор.
М. МИРАЪЗАМОВ,
инженер.

ДЕКАБРЬ ОЙИ ҲИСОБИГА

Улуғ Октябрнинг 45 йиллигини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олиш бўйича социалистик мусобақа Янгийўл шаҳар корхоналари коллективлари ўртасида кун сайин қизғин тус олмоқда. Бу мусобақада ҳам илгаригидек гидролиз заводининг ишчилари, голибликни қўлдан бермай келаётирлар. Корхона коллективи шаҳарда биринчи бўлиб ялпи маҳсулот тайёрлаш ўн бир ойлик планини бажарди.

Заводдагилар Николай Чупрунов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси аъзоларини «бизнинг машъалларимиз» деб фахр билан тилга оладилар. Чунки бу илғор бригада ойлик ва смена топшириғини доимо 130—140 процентдан адо этиб коллектив ютуғига катта ҳисса қўшмоқда.

Яқинда завод ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди: сув таъминлаш цехининг коллективи ҳам коммунистик меҳнат цехи деган шарафли номга сазовор бўлди.

Етти йилликнинг тўртинчи йили топшириғини улуғ айём куни — 7 ноябргача бажариш учун курашаётган гидролизчилар ҳозир декабрь ойи ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқараётирлар.

ТАЖРИБА АЛМАШМОҚДАЛАР

1960 ва 1961 йилларда нашр этилган энг яхши китобларнинг СССР Маданият министрлиги ва Узбекистон Маданият министрлиги томонидан Тошкентда ташкил этилган виставкаси бир ҳафта давом этиб ёпилди.

— Нашриёт иши ва полиграфия маҳсулотлари намуналарининг кўриги илғор тажриба семинарига айланди, — деди якунловчи муҳокамада Узбекистон ССР Маданият министрлигининг Полиграфия саноати ва нашриётлар бош бошқармаси бошлиғи Ю. Ю. Юнусов.

Виставка кунларида СССР Давлат бадиий адабиёт нашриётининг бош рассоми Т. Г. Вебер, кўчма виставка ходими Н. И. Моргунова китобларни безатиш ва босиб чиқариш тўғрисида лекциялар ўқидилар. Техника фанлари кандидати А. Л. Попова офсет босмаси фабрикасининг коллективини илғор корхоналар тажрибаси билан таништирди.

Муҳокамада қатнашган рассомлар, матбаачилар, редакторлар, нашриётлар раҳбарларининг нутқларида илғор тажрибани ўрганиш республикамизда нашр этилаётган китобларнинг сифатини яхшилашнинг янги имкониятларини топишга ёрдам берди, деб таъкидладилар. (ЎзТАГ).

Ўн ойлик план бажарилди

Тошкент магистралининг темир йўлчилари Улуғ Октябрнинг 45 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаб, халқ хўжалик юкларини юклашнинг ўн ойлик планини 21 октябрда муддатидан олдин бажардилар. Юк ташишнинг ҳажми бўйича ва юк ортилган поездларнинг ўртача вазни бўйича план ошириб бажарилди. Огир юк ортган поездларнинг бригадалари станциялари и н г ходимлари билан ҳамкорликда ишлаб, нормадагига қараганда олти миллион тониадан эиёдроқ юк ташиб бердилар. Темир йўлчилар меҳнат унумдорлигини ошириш ва юк ташиш таннархини топширикда кўрсатилганига нисбатан камайтириб, пландан ташқари 1 миллион 800 минг сўм фойда олдилар.

Темирйўлчилар коллективи октябрь ойининг охирига қадар яна бир неча юз минг тонна халқ хўжалик юкларини вагонларга юклаб беради. (ЎзТАГ).



Чиланзор массивида ҳар куни янги турар-жой биноси қад кўтаради. Бу уйларга кўчиб кирган ўнлаб оила ҳовли тўйи ўтказади. Суратда: массивнинг «Г» секторида қурилаётган янги бинолар. Ҳа демай бу уйлар ҳам ўз эгаларини — меҳнаткашларни қучоғига олади.

А. Абалян фотоси.

КОСМИК ФАЗОГА ЖАҲОНДА БИРИНЧИ МАРТА ГРУППА БЎЛИБ ҚИЛИНГАН ПАРВОЗ

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Комплексдаги кузатиш станцияларининг шохобчаси СССР территориясига шу тарзда жойлаштирилдики, бунинг натижасида космик кемалар Совет Иттифоқи территориясидан учиб ўтаётган вақтда ўлчов ишларини иложи борича кўпроқ амалга ошириш ва кемалар билан иложи борича кўпроқ алоқа боғлаш имконияти туғилди.

Радиолокация станциялари кемалар шу станцияларининг радио алоқаси боғлай оладиган зонасида турган пайтда ҳар иккала кема орбиталарининг параметрларини ўлчашга имкон берди. Радиолокация станцияларидан олинган ахборотлари координациялаш-ҳисоблаш маркази ишлаб чиқди. Бу марказ кемалар учаётган орбиталарининг ҳақиқий параметрларини ҳисоблаб, кемаларнинг ҳаракати қандай бўлишини уларнинг бир неча марта айланиб учишидан аввал олдиндан айтиб ва Ерга ўрнатилган станцияларга йўл-йўриқлар тайёрлаб берди.

Ерга ўрнатилган ўлчов, алоқа боғлаш ва бошқариш комплексининг вазифаси иккинчи кеманинг парвоз қилиш пайтини белгилаб беришдан ҳам иборат эди. Координациялаш-ҳисоблаш марказ и «Восток-3» кемаси орбитасининг параметрларини ўлчаш ҳақидаги маълумотларга мувофиқ, «Восток-4» кемасини дастлабки кемага бевосита яқин қилиб чиқариш шароитларига асосланиб, «Восток-4» кемаси парвоз қилдириладиган вақтни белгилаб берди ҳамда «Восток-4» кемаси ана шу кўрсатилган вақтда аввалги старт майдончасидан космосга учирилди. Аниқланган маълумотларга кўра, «Восток-4» космик кемаси орбитага чиқарилгандан кейин у билан «Восток-3» кемаси ўртасидаги масофа 6,5 километр бўлди.

«Восток-3» ва «Восток-4» кемалари радиокомплексининг составида икки томонлама радиотелефон алоқаси ўрнатиш имконини берадиган учта аппарат — қисқа тўлқинли диапазонда ишлайдиган иккита ва ультрақисқа тўлқинли диапазонда ишлайдиган битта аппарат бор эди. Бундан ташқари кемалар бортида магнитофон, ўрта ва қисқа тўлқинли диапазонларда ишлайдиган радио эшиттириш приёмники бор эди.

Космонавтлар А. Г. Николаев ва П. Р. Попович ультрақисқа тўлқинли, олис қисқа тўлқинли диапазонларда ишлайоладиган, кемалар ўртасида алоқа боғлайдиган ва оддий радиостанцияларни қабул қила оладиган 4 та канал орқали радио хабарларини қабул қилиш имкониятига эга эдилар. Олис қисқа тўлқинли ва кемалар ўртасидаги каналларни эшитиш асосий иш режими бўлди. Шу билан космонавт ҳар бир радиони бир қулоғида эшитди.

Космонавтга қулайлик туғдириш мақсадида кема ичига ўрнатилган магнитофоннинг автоматик тарзда ишлаши кўзда тутилди, яъни магнитофон космонавт гапириши биланоқ ишлайдиган қилинди. Гап тамом бўлганидан кейин магнитофон ишлашдан автоматик суратда тўхтар эди. Кичкина неон лампочка ёзув индикатори бўлиб хизмат қилди, бу лампочка космонавт гапириб турган пайтда ялт-ялт ёниб, приборнинг нормал ишлаётганини кўрсатиб турди.

А. Г. Николаев ва П. Р. Поповичнинг космик кемалари ўртасида радио алоқаси ҳамма масофаларда ғоят барқарор ва ишончли вазиятда ўтди. Бу кемалар ўртасидаги масофа энг кам бўлганида 6,5 километрдан бошланган бўлса, парвознинг охирига борганда кўпайиб, салкам 3 минг километр бўлди.

Бир неча минг километр масофада ультрақисқа тўлқинли диапазон орқали космонавтлар билан гаплашиб турилди. Космонавтлар Ленинград, Свердловск ва бошқа шаҳарлар устидан учиб ўтиб, Монголия Халқ Республикасининг чегарасига боргунга қадар, яъни 5,5 минг километрга бўлган масофада Н. С. Хрушчев Ялтада гуриб, улар билан гаплашди.

«Ер — кема — Ер» ўртасидаги асосий радио линиялар орқали ҳам, шунингдек «кема-кема» радио линиясини Ерда эшитиш вақтида ҳам, қисқа тўлқинли диапазондаги алоқа ғоят муваффақиятли бўлди. Алоқанинг максимал узоқлиги 12—20 минг километрга етди, 10 минг километрдан ошиқ масофа эса одатдаги масофа бўлди.

Парвоз қилишнинг узоқ вақтга мўлжалланган программаси космонавтларнинг креслодан туриб кабинада бемалол сузиб юришларига имкон берди. Бундай маҳалда улар скафандрга ўрнатилган микрофон ва телефонлар узилиб қолганлиги учун ундан фойдалана олмадилар. Космонавтлар кабинага ўрнатилган махсус радио карнайлар ва микрофонлар системаси ёрдами билан радио алоқаси олиб боришлари лозим эди. Бу система шундай лойиҳалаштирилган эдики, космонавт кабинанинг қайси нуқтасида бўлса ҳам, Ердан айтилаётган гапларни бир меёрда эшитар ва унинг гаплари Ерга бир меёрда етиб борар эди.

Ҳар қайси кеманинг бортига иккитадан телевизион камера ўрнатилган эди. Битта камера рўпарадан катта масштабда тасвирлашни таъминласа, иккинчи камера ён томонидан кичикроқ планда тасвирлашни таъминлар эди. Оптиканинг шу тарзда танлаб олингани ва телевизион камераларнинг шу тахлитда жойлаштирилгани космонавтларнинг ҳолати тўғрисида мукаммалроқ хабар олиб туришга имкон берди.

Телевизион камералар учун «видикон» типидаги трубкалар ишлатилган бўлиб, бу камералар ҳажмининг кичиклиги, вазнининг енгиллиги, қувватни кам ишлатиши, юксак даражада стабиллилиги билан фарқ қилар, ҳеч қандай қўшимча созлашсиз кўп кун мобайнида сифатли ишлай олар эди.

Қабул қилинган тасвирларни қабул пунктларида рўйхатга олиш ва видеоконтроль мосламаларида кўрикдан ўтказиш таъминлаб турилди.

«Восток-3» ва «Восток-4» космик кемаларининг ҳаракат қилиш траекториялари шу зайилда танлаб олиндики, бунинг натижасида Ер радиация минтақаларининг нурланиши космонавт ўзига сингдириши мумкин бўлган жами дозанинг кичик бир қисмини ташкил этди. Совет олимлари Ер радиация минтақаларининг қуйи чегараларини «Восток» типидаги космик кемаларда 1960 йилдаёқ тадқиқ қилган эдилар. Бу тадқиқотлар шуни кўрсатган эдики, 180—350 километр баландликда учиб юрган вақтда радиация минтақаларига учалик тегиб ўтилмайди ва учувчи кабинасидаги ўртача доза суткасига атиги 8 миллирад бўлади. Бу эса одамнинг саломатлигига хавфли эмас.

Олимларнинг вазифаси — Ердан узоқроқ масофада космонавтларнинг бехатар парвоз қилишини таъминлаш учун оқилона эҳтиёт чораларини кўриш мақсадида табиий радиация манбаъларини синчиклаб ўрганишдан иборат.

Афсуски, радиациянинг ана шу табиий манбаъларидан ташқари бошқа манбаълар ҳам бор. Бу — АҚШ 1962 йил 8 июлда Тинч океандаги Жонстон ороли устида ядро бомбасини жуда баландликда портлатгани натижасида Ер яқинида сунъий равишда вужудга келган интенсив радиация зоналаридир. Бу зоналарнинг пайдо бўлиши орқасида космосдаги радиация вазияти анча ёмон тус олди. «Космос» типидаги совет йўлдошлари ёрдами билан космик фазонинг физик ҳолатини, жумладан, радиация даражасини муттасил кузатиб бориш натижасида ана шу ядро бомбаси портлатилганлиги оқибатида сунъий радиация минтақаси ҳосил бўлганлигини аниқлаш имконияти туғилди. Космонавтнинг бу минтақага тушиб қолиши унинг саломатлиги учун ниҳоятда хатарли бўлур эди. Лекин Америка жуда баландликда ядро бомбасини портлатганлиги натижасида вужудга келган радиациянинг интенсив кучи «Восток-3» ва «Восток-4» йўлдош кемаларини учириш пайтига келганда кемалар парвоз қиладиган баландликда йўл қўйиладиган даражагача камайган эди.

Космик фазодаги радиация вазиятини оператив контроль қилиб турмоқ учун космик кемаларнинг бортига махсус дозиметрик аппаратлар ўрнатилган эди. Бу аппаратларнинг маълумотлари Ерга ўрнатилган станцияларга радиотелеметрик система орқали автоматик суратда юбориб турилди. Бундан ташқари космонавтлар турли хил шахсий дозиметрлар билан таъминланди. Космик кемаларда зарур конструктив иҳота бор эди, радиация вазияти ёмонлашиб кетган тақдирда эса космонавтлар радиация таъсиридан сақлайдиган махсус химиявий препаратлар билан таъминланган эди.

Радиация хавфини аниқлаш учун махсус биологик тадқиқотлар ўтказиш ҳам кўзда тутилган эди. Шу тадқиқотларни бажариш учун кемаларда ҳар хил биологик объектлар: лизоген бактериялар, одамдаги рак ҳужайраларининг нусхаси, дрозофил пашшалар ва илонбалиқнинг урчитилган уруғи, қора пиёз, буғдой, қарағай, нўхат, хамтал, карам, лавлаги, сабзи уруғлари ва традесканция ўсимликларининг ғунчалари бор эди.

Ҳозирги вақтда биологик объектларнинг ҳаммаси тадқиқ қилиш босқичида турибди, лекин ҳозиргача шуни айтиш мумкинки, космик радиация уларга ҳеч қандай зарарли таъсир ўтказгани йўқ.

Ахборотни ишлаш шуни кўрсатдики, парвознинг бир суткасида ҳар иккала космонавт сингдирган радиация дозаси салкам 11 миллирад бўлган. Космонавт А. Г. Николаев сингдирган тўла доза 43 миллирадга, космонавт П. Р. Попович сингдирган тўла доза эса 32 миллирадга баравардир. Бундай ҳажмдаги дозалар одамнинг саломатлиги учун мутлақо хатарсиз ҳисобланади.

Парвоз вақтида олиб борилган физиологик тадқиқотларнинг натижалари космонавтларнинг умумий сихат-саломатлиги ва асосий физиологик функциялари бутун парвоз мобайнида одатдаги нормадан ташқарига чиқмади, деган хулосага келишга имкон берди.

Шундай қилиб, зарур даражада тайёргарлик кўрган ва жисмоний жиҳатдан сиҳат-саломат бўлган кишининг космосда 100 соатдан ортиқ парвоз қилиш натижасида вазнсизлик ҳолатига бемалол бардош бера олиши аниқланди. Шунингдек зарур даражада тайёргарлик кўрган космонавтлар бир неча юз соат мобайнида парвоз қила оладилар, деб тахмин қилиш мумкин.

Космонавтларнинг тайёргарлик кўриши соҳасида қабул қилинган методлар самарали бўлиб чиқди; лекин одамнинг ташқи факторлар таъсирига тағин ҳам бардошли бўлишини таъминлаш соҳасида унинг ҳали ишга солинмаган имкониятлари кўплигини назарда тутиб, бу соҳадаги тадқиқотлар давом эттирилиши ва айни маҳалда янги усуллар ишлаб чиқилиши керак.

Группа бўлиб парвоз қилишга тааллуқли маълумотлар ғоят қизиқарлидир.

Аниқланган маълумотларга кўра, «Восток-3» кемаси парвоз қила бошлаган вақтда шу кема орбитасининг параметрлари қуйидагича бўлган: Ер атрофини айланиб учиш даври 88,33 минут, Ер сатҳидан энг кўп баландликда парвоз қилиши — 234,6 километр, Ер сатҳидан энг кам баландликда парвоз қилиши—180,7 километр.

«Восток-4» кемаси орбитасининг параметрлари парвознинг дастлабки суткаларида қуйидагича бўлган: Ер теварагини айланиб учиш даври 88,390 минут, максимал парвоз қилиш баландлиги — 236,7 километр, минимал парвоз қилиш баландлиги — 179,8 километр.

Космонавт А. Г. Николаевнинг парвози 94 соату 22 минут давом этиб, у икки миллион 640 минг километрга яқин йўлни босиб ўтди. Космонавт П. Р. Поповичнинг парвози 70 соату 57 минут давом этиб, у бир миллион 980 минг километрга яқин йўлни босиб ўтди.

Космонавтлар ўз парвози вақтида олиб борган баъзи бир кузатишлар ғоят қизиқарлидир. Космонавтларнинг креслодан туриб, нисбатан узоқ вақт мобайнида кабинада «бемалол сузиб юриш» соҳасида олиб борган тажрибаси айниқса диққатга сазовордир. Космонавт А. Г. Николаев тўрт марта ўрнидан туриб, 3,5 соат, космонавт П. Р. Попович эса уч марта ўрнидан туриб, салкам уч соат бемалол сузиб юрди. Улар кабина ичида сузиб юрар эканлар, кузатиш ўтказдилар, кабинанинг қайси жойида турганликларини аниқлаб олиш қобилиятларини контроль қилдилар, алоқа боғладилар (кабина ичига ўрнатилган микрофон ва динамиклар орқали). Ана шу вақт мобайнида иккоёлари ҳам ўзларини бошдан-оёқ яхши ҳис этдилар, уларнинг кўнгли беҳузур бўлмади ёки айниқса боши гангимади. Бу, группа бўлиб парвоз қилиш вақтида эришилган жуда муҳим натижадир.

Эришилган натижалар келажакда узоқ вақт парвоз қилиш вақтида одам кўп соатлар давомида креслода ўтирмай нормал ишлай олиши мумкин, деб умид боғлашга имкон беради.

Москва вақти билан соат 9 дан 24 минут ўтганда «Восток-3» кемасининг ва 6 минутдан кейин «Восток-4» кемасининг тормоз берувчи двигатель установкалари ишга солиниб, шундан кейин кемалар пастлай бошлади. Кемалар юксак температуралар ва ортиқча юкланишлар таъсир қиладиган жойдан ўтиб олгач, пастроқ баландликда космонавтлар отилиб чиқувчи креслоларда ўтирган ҳолича кемалардан ажралиб, парашютларини ёздилар. Кемалар космонавтлар чиқиб кетганидан кейин ҳам пастлай берди ҳамда автоматик системалар ёрдами билан омон-эсон ерга қўнди. Ерга қўнгандан кейин ҳар иккала кеманинг ахволи қониқарли бўлиб, улардан яна учиш учун фойдаланиш мумкин. Аниқланган маълумотларга кўра, А. Г. Николаев соат 9 дан 52 минут ўтганда, П. Р. Попович эса соат 9 дан 59 минут ўтганда ерга қўнди. Ҳар иккала космонавт ўз кемаларининг яқинида ерга қўнди.

Шундай қилиб, СССР космонавт учувчилари А. Г. Николаев ва П. Р. Попович бошқарган «Восток-3» ва «Восток-4» совет космик кемаларининг группа бўлиб парвоз қилиш программаси тўлатўкис ва муваффақиятли бажарилди.

Парвоз натижасида кенг кўламда тажриба материаллари тўпланди; шу жумладан кўп миқдорда магнитофонга ёзилган турли маълумотлар, фото ва киноматериаллар, борт журналларига ва Ердаги пунктлар журналига ёзилган маълумотлар, радиотехника ёзувларининг рўйхатлари ва шу кабилар тўпланди.

Совет космонавтлари А. Г. Николаев ва П. Р. Поповичнинг «Восток-3» ва «Восток-4» кемаларида узоқ вақт муваффақият билан группа бўлиб парвоз қилганлиги — инсоннинг космик фазони забт этишида қўйилган янги муҳим қадамдир.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» материаллари изидан

„ГУЛИСТОН ОБЛАСТНИ ОРҚАГА ТОРТМОҚДА

Газетамизнинг шу йил 23 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган мақолага редакция қуйидаги жавобни олди:

«Газета материали райкомнинг кенгайтирилган бюро мажлисида муҳокама қилиниб район ҳамда айрим колхоз меҳнаткашларининг пахтани ўз вақтида териб олиш ва давлатга топширишда қониқарсиз ишлаётганликлари тўғри кўрсатилган деб топилди. «Коммунизм», «XXII партсъезд», Қаҳрамон Аҳмедов номли, Мичурин номли колхозларда пахта теримида меҳнатни ташкил этишда йўл қўйилаётган жиддий камчиликларнинг олдини олиш учун бир қанча амалий тадбирлар белгиланди. Бу колхозларнинг правленнелари ҳамда колхоз партия бюролари қаттиқ огоҳлантирилиб, уларга меҳнатга қобилиятли ишчи кучининг ҳаммасини пахта теримига сафарбар қилиш, уларнинг кундалик терим нормаларини бажариш устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш, пахта терим машиналарининг ҳаммасини ишга солиб, икки сменада ишлашини таъминлаш, шу билан бирга механик-ҳайдовчилар учун зарур шароитларни яратиб бериш топширилди.

Гулистон район партия комитетининг секретари
А. АБДУНАБИЕВ».

Оққўрғон районидаги «Ленинизм» колхозида зангори кемалар бетўхтов ишлаб турибди. Натижада кун сайин колхознинг хирмонига барака кирмоқда. Суратда: колхоз даласида машина терими пайти.

ҒАЙРАТГА-ҒАЙРАТ ҚЎШИБ

Бўка районидаги пешқадам бригадаларнинг пахтакорлари бирин-кетин йиллик планни бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бермоқдалар. Ильич номли колхознинг ўртоқ Нишонбой Мирзаҳонов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари ҳам ана шулар жумласидандир. Бу бригадада эрта баҳорда 65 гектар майдонга чигит экилган эди. Куз фасли бошланганда барча пайкалларда мажбуриятдаги 26 центнерни қоплайдиган даражада мўл ҳосил етишди.

Терим мавсумига анча илгаридан пухта тайёргарлик кўрабошлаган пахтакорлар ишга дастлабки кунларданоқ эўр ғайрат билан киришиб кетдилар. Пайкалларда «зангори кема»лар сузабошлади. Қўлда пахта тераётган колхозчилар ҳам, шаҳардан ҳашарга келган студентлар ҳам ҳар куни иложи борича кўпроқ пахта териш тўғрисида қайгурабошладилар. Суръат кун сайин жадаллашаборди.

Шундай қилиб, бригада аъзолари тез кун ичида пахта тайёрлаш йиллик планини шараф билан бажаришга муваффақ бўлдилар.

Райондаги Жамбул номли колхознинг илғор бригадаларида ҳам йиғим-терим намунали ўтаяпти. Ўртоқ Ҳамроқул Ражабов бошлиқ бригаданинг донгдор теримчиларидан У. Рўзиева, Ш. Эргашева ва Қ. Аҳмаджонова ўртоқларнинг ҳар бири ҳозиргача хирмонга 5—5,5 тоннадан пахта тўкди. Уларнинг бир кунда терган пахталари 200 килограммдан ҳам ошиб кетаяпти.

Колхознинг механик-ҳайдовчилари ҳам ғайратга-ғайрат қўшиб ишламоқда.

Н. НАЗАРҚОСИМОВ,
А. ҲАМИДОВА,
С. ТЎЛАЕВ.

Иноят Айтназарова Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхознинг чевар теримчиси. У ҳар куни 150—180 килограммга етказиб пахта термоқда. Суратда: ўртоқ И. Айтназарова.

М. Шевелев фотолари.

РАИС ПАХТАНИ БОСИБ ЎТДИ

Паст-баланд дала йўлларида «Газ—69» машинаси ғизиллайди. Уни раис Раҳмон Абдураҳимов бошқариб бораяпти. Қишлоқнинг четидаги баланд кўприкнинг қоқ ўртасида бир тўп пахта турибди. «Оқ олтин» узоқдан кўзни олади. Бир қучоқ пахта катта йўл устида тупроққа аралашиб ётганидан ёқа тутиб борар эдик. Ўйлардикки, мана бу машина рулини чапаничасига бошқариб бораётган раис бу пахтани кўради-ю, аччиғи келганидан кўзлари бежо бўлиб машинани таққа тўхтатади. Мана, кўприкка яқин келдик. Ие, бу қандай бўлди! Раис машинани янада қаттиқроқ юргизиб кўприкдан лип этиб ўтиб кетди. Пахта машина ғилдираклари остида қум-тупроққа аралашиб қолаверди. Ноннинг бутуни ҳам нон, увоғи ҳам. Бу «оқ олтин-а», уни нобуд қилишга, бирор қатраси ерда ётса устидан депсаб ўтишга кимнинг кўнгли боради! Йўқ, раис буларни ўйламади. У машинада кеккайиб, аҳён-аҳёнда димоғ билан атрофга назар ташлаб машинани елдириб борарди.

Сертупроқ йўлнинг ўнг томонга қайрилган жойида дала шийпони бор. Унинг олди катта хирмон. Хирмон атрофида тўкилган пахталар шунчалик кўпки, улар йиғиштириб олинса, ҳеч лоп эмас. 3-4 қанор чиқади. Яхши пишган лўппи-лўппи пахталар хас-чўпларга аралашиб оқлигини йўқотган.

— Бу қайси бригада, раис амаки?— сўрадик пичинг қилиб. Раис хирмон томонга бир қиё боқди. Индамай яна бирнеча дақиқа йўл юрди-да, гўё ҳеч нарса кўрмагандек жавоб қилди:

— 24-бригада.

Пайтдан фойдаланиб яна бир нарсани айтиб қўйсак ёмон бўлмас. Кўп раислари кўрганмиз, улар далага чиққанларида гоҳ пайкал оралаб, гоҳ одамлар билан суҳбатлашиб, бирор фойдали иш қиладилар. Кишиларнинг юрагига қўл солиб камчиликлари бўлса, ёрдам берадилар. Ишга руҳлантириб кетадилар. Яхши-яхши маслаҳатлар берадилар. Раҳмон Абдураҳимовнинг дала айланиши ҳаммани ҳайрон қилади. Колхоз маркази билан 5-участка пахта далаларининг охиригача 15 километрдан кўпроқ йўл юрилса керак. Шу масофани ўтгунча, раис катта йўлдан четга бурилмади. Фақатгина бир ерга келиб машинадан бошини чиқарди-да, «нечта прицеп келди?» деб аллакимдан сўраб қўйди. Яна бир эрга бориб кўрак чувиш машинасининг ишини кузатган киши бўлди. Бу ерда ҳам хирмон четларида, йўлларда, ариқ ёқаларида хас-чўпга аралашиб ётган пахталарни худди кўрмаган-дай ўтиб кетаверди. Унинг фойдаси шу бўлдики, хирмондан кўзига қарамай ўтиб, мовут шимига бир тутам пахтани ёпиштирди. Кўп ўтмай бу пахталар ҳам сертупроқ йўлда тўкилиб қолди.

Эҳтимол, баъзилар ишонмас, аммо кўрганимизни гапирамиз. Гастролёр раис яна машина қувишда давом этди. Бутун йўл бўйи тупроққа қоришган, йўл четларидаги дарахтларга осилиб, яшил япроқларни оқартириб турган пахталарни кўриб ўзини кўрмасликка солиб кетаверди. Мана, машинадан 20-30 қадам олдинда яна ер билан битта бўлиб «оқ олтин» сочилиб ётибди. Раис инсофга келди шекилли, унга яқин бориб машинани хиёл ўнг тарафга бурди. Лекин бу ёқда ҳам пахта кўрпа бўлиб ётибди. Чап томонга бурди — бу ёқда ҳам худди ўшандай. Кейин бор таваккал деди-да, машинанинг тезлигини ошириб, ғир этиб ўтди-кетди.

Колхозни айланган одам фақат кўча-кўйларда эмас, эгатларда, ўқариқларда ер билан битта бўлиб тўкилиб ётган «оқ олтин»ни кўриб юраги ачишади.

Даладан қайтаётиб 5-участка бошлиғи Меҳмон Хўжаев билан учрашдик. Раис уни катта йўл ёқасида турганини кўриб тўхтади. Гап пахта нобудгарчилиги ҳақида борар эди. (бу мавзудаги суҳбатни ҳам ўзимиз бошладик).

— Тўкилган пахталар жуда кўп, нега тердирмаяпсиз? — сўрадик участка бошлиғидан. У ширинсухан одам экан.

— Тўғри, эсимиздан чиқиб қолган экан, эрталаб одам қўйдик, ҳозир йўлда бир чигит пахта йўқ,— деди у. Аксини олгандай яна ўша йўлдан юрдик. Меҳмон Хўжаев элликлардан ошган одам экан. Соч-соқолига оқ ҳам оралабди. Шундай бўлса ҳам, у ёлғон гапирган экан. Бутун йўл бўйи олтиндан қиммат дурдоналар тўкилиб-сочилиб ётибди. Кўпи илгариги ёмғирдан олдин тўкилган пахталар. Уларни тупроқдан ажратиш ҳам қийин. Раис бизни идорага бошлади. Бу ерга боргунча ҳам қанчадан-қанча пахталарни босиб, чигитларни янчиб ўтишга тўғри келди. Ҳатто идоранинг ёнгинасида ҳам тўкилган пахталар бор.

Қизиқ, нега раис тўкилган пахталарни босиб ўтади? Нега у ўз кўзи олдида пахтани нобуд қилаётган одамларни кўриб туриб ҳам уларга танбиҳ бермайди. Аччиқ-аччиқ гапирмайди. Ахир бу жиноят-ку!

С. СУЛТОНОВ,
Бекобод районидаги Дзержинский номли колхоз.

Раис:—Тўкилган пахталарни биров кўриб қолмасмикан? Меҳмон Хўжаев:—Мен кўрмай қўяқолай деб осмонга қараб кетяпман.

М. Воробейчиков ишлаган расм.

ПАХТАНИ ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШ ПЛАНИ БАЖАРИЛДИ

Оржоникидзе районининг транспортчилари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан пахта ҳосилини қоп-қанорсиз ташиш йиллик планини муддатидан илгари бажардилар. 16 минг тоннадан ортиқ, ўтган йилдагидан анча кўпроқ пахта далалардан тайёрлаш пунктларига етказиб берилди. «Қизил Ўзбекистон», Охунбобоев номли ва Киров номли колхозлар автопоездларининг ҳайдовчилари юксак кўрсаткичларга эришдилар. (ЎзТАГ).

Қанча пахта тайёрланди

Партия съезди

Пахта тайёрлашнинг борыши ҳақида маълумот

23 ОКТЯБРГАЧА

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Ишлаб чиқариш бошқармалари	Бир кунда	Мавсум бошидан бери	Машина терими: Бир кунда	Машина терими: Мавсум бошидан бери	Қоп-қанорсиз ташиш
Тошкент	1,50	92,71	1,61	81,07	126,43
Янгийўл	1,29	83,66	1,36	81,90	98,65
Чирчиқ	1,28	65,31	0,99	48,12	81,19
Янгиер	1,77	59,40	1,76	48,49	72,17
Сирдарё	1,35	48,07	1,34	42,72	65,23
РАЙОНЛАР					
Қуйи Чирчиқ	1,39	106,20	0,99	140,57	111,14
Оржоникидзе	1,42	88,76	1,61	81,07	123,4
Юқори Чирчиқ	1,04	87,98	0,20	71,38	80,20
Чиноз	1,03	84,47	0,30	54,82	109,46
Ўрта Чирчиқ	1,38	75,54	0,71	79,13	90,43
Янгийўл	1,48	74,09	2,84	63,00	92,86
Пискент	1,60	69,15	1,04	46,85	82,10
Бўка	1,40	63,61	2,03	38,43	90,05
Янгиер	2,00	59,70	2,49	59,75	75,14
Бекобод	1,50	59,04	0,77	33,31	69,00
Сирдарё	1,47	54,48	1,90	60,33	76,31
Оққўрғон	0,87	52,55	0,46	28,84	64,29
Комсомол	1,38	47,69	1,18	30,51	62,93
Гулистон	1,08	36,71	0,48	28,20	47,22
Область бўйича	**1,40**	**64,50**	**1,33**	**52,26**	**80,45**

Халқаро аҳвол

Шонли қирқ йиллик ❁ Хитой ва Венгриядан олинган янги хабарлар ❁ Жорж Уоллеснинг таҳдиди ❁ *АҚШда ишсизлар сони тобора кўпаймоқда* ❁ Уммонликларнинг норозилиги.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

Ганьсу вилоятининг маъмурий маркази жойлашган Ланьчжоу шаҳрида янги троллейбус линияси фойдаланишга топширилди. Хитойнинг ғарби-шимолида жойлашган ва химия ҳамда нефть саноатининг йирик замонавий корхоналарига эга бўлган ва ўсиб бораётган бу саноат шаҳрида ҳозир 14,5 километр узунликда троллейбус линиялари бор. Бу линияларда ҳар куни 10 дан ортиқ машина қатнаб турибди.

Ички Монголия автоном районидаги маҳаллий сут заводлари бу йил 13 минг центнер сут порошоги, фармацевтика саноати учун сутдан тайёрланган қанд, ёғ ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарди. Бу заводлар ишлаб чиқарган маҳсулотлар Пекинда, Шанхайда, Юньнань, Гуйчжоу вилоятларида ва Тибетда кенг истеъмол қилинмоқда.

Автоном райондаги энг йирик ҳисобланган Якэши сут заводи йиллик планни август ойида, Хайлар сут заводи эса йиллик планни сентябрь ойидаёқ бажариб бўлдилар.

• • •

Венгриянинг шимолида тош кўмир манбалари очилди. Бу конларнинг запаслари қарийб 200 миллион тоннани ташкил қилади. Дунайнинг нарёғидаги районларда 100 миллион тонна миқдорида қоратмир кўмир запаслари борлиги аниқланди. Янги хомашё манбаларининг очилганлиги натижасида кейинги уч йил ичида мамлакатда қоратмир кўмир запаслари қарийб учдан бир ҳисса, нефть запаслари икки ярим баравар, газ запаслари эса тўрт баравар кўпайди.

МТИ агентлигининг хабар беришича, қўрғошин ва рух рудаларининг янги запаслари ҳам очилди. Венгер геологларининг куч-ғайрати натижасида Венгриянинг энергетика ресурслари анча ошди. (ТАСС).

КХДР ОЛИЙ ХАЛҚ МАЖЛИСИНИНГ СЕССИЯСИ

ПХЕНЬЯН, 22 октябрь (ТАСС). Бугун Катта театр биносида Корея Халқ Демократик Республикаси III чақириқ Олий халқ мажлисининг биринчи сессияси тантанали вазиятда очилди. Сессияда 2 мингдан кўпроқ депутат ва меҳмонлар қатнашмоқда. Бу сессияда Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг янги состави тузилади ва тасдиқланади. Олий халқ мажлисининг президиуми сайланади, Корея Халқ Демократик Республикасининг бош прокурори тайинланади ва олий судьяси сайланади.

Олий халқ мажлисининг раиси Цой Вон Тхяк Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар кабинетининг раиси Ким Ир Сенни ўзи раҳбарлик қилаётган ҳукуматнинг ваколат муддати тамом бўлганлиги муносабати билан ҳукумат ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганлиги тўғрисидаги аризасини депутатларга ўқиб берди.

Шундан кейин сессияда Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматининг ўтган сайловлардан кейинги даврдаги фаолияти якунлари юзасидан депутатларнинг музокаралари бошланди.

Голландия. Амстердамнинг шаҳар маъмурлари полициячиларни оригинал қалқонлар билан таъминлаш тўғрисида қарор чиқарди. Бу қалқонлар полициячиларни тошлар, бутилка ва бошқа нарсалардан ҳимоя қилиш учун мўлжалланган. Намойишчилар одатда ана шу нарсалар орқали «тартиб сақловчилар»га нисбатан ўз ҳис-туйғуларини ифода қиладилар.

(Сурат «Алгемейн дагблад» газетасидан олинган).

ИРҚЧИ ТАҲДИД ҚИЛМОҚДА

НЬЮ-ЙОРК, 21 октябрь. (ТАСС). Алабама штатининг губернатори лавозимига номзод Жорж Уоллес полициянинг махсус отрядларини тузиш планларини эълон қилди. Қуролланган полициячилар негр йигитлар ва қизларнинг Алабамадаги оқ танлилар университетида ўқишларига халақит бериш учун бу ирқчига керак бўлиб қолибди.

Негр йигит ва қизлардан беш кишининг университетга қабул қилиш ҳақида ариза бериш нияти муносабати билан, бу ёвуз жаҳолатпараст агар неграр ўз талабларида қаттиқ турадиган бўлсалар, қуролли куч ишлатажаги билан мақтанди. Сайлов кампанияси вақтида Уоллес «қоралар хавфи таҳдид қиладиган мактабнинг эшигини ўз таним билан қоплайман», деб бир неча марта айтган эди.

Губернатор лавозимига бу номзод аҳолининг 30 процентини неграр ташкил этган штатда бевосита сайлов арафасида шу хил гапларни айтишдан ҳайиқмайди, чунки Алабамадаги неграр ҳамма граждан ҳуқуқларидан, шу жумладан овоз бериш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилган бўлиб, сайловнинг оқибатига таъсир кўрсата олмайдилар.

Абдулла Ассалол бошчилигидаги Яман Араб Республикасининг ҳукумати мамлакатнинг кўпчилик аҳолиси ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Қабилаларнинг шайхлари ҳамда халқ оммаси ҳукуматни қўллаб-қувватламоқдалар. Суратда: республика пойтахти Сана шаҳрининг аҳолиси революцион ҳукуматни табриклямоқда.

ЮПИ-ТАСС фотоси.



Германия Демократик Республикаси. Берлинда меҳнаткашлар учун қурилган уй-жойлар.

АДН-ТАСС фотоси.

Яман Республикаси ҳар қандай агрессияни даф қилишга тайёр

ҚОҲИРА, 22 октябрь. (ТАСС). «Алахром» газетасининг хабар беришича, Саудия ва Иорданиянинг кўп қўшинлари Награнга (Саудия-Яман чегарасида.— Редакция изоҳи) келган. Саудия самолётлари тиш-тирноғигача қуроллантирилган ва таъминланган неча юзлаб иорданиялик бадавийлар ва солдатларни ҳар куни шу районга ташиб турибди. Газетанинг хабарида бундай дейилади: Бирлашган Араб Республикаси ва Яман Араб Республикасининг Санодаги бирлашган қўмондонлиги олаётган маълумотлар реакцион кучларнинг Яман Республикасига яна ҳужум қилмоқ учун ўз қўшинларини зўр бериб тўплаётганликларини исбот қилади.

Айни вақтда Қоҳира радиоси қуйидагиларни билдирди: бош министрнинг ўринбосари Албайдани кеча Таиз шаҳрида Яман Араб Республикаси революцион қўмондонлиги кенгашининг бир қанча аъзолари билан мажлисда Яман армиясининг қўшинлари тамомила шайланиб турибдилар ва ҳар қандай агрессияни, унинг қаердан бошланишидан қатъий назар, даф қила оладилар, деди.

Об-ҳаво

Бугун Тошкент шаҳрида ва Тошкент областида ҳаво ўзгариб туради, ёнингарчилик бўлмайди. Эрталаб Тошкентда 5—7, областда 4—9, кундузи Тошкентда 15—17, областда эса 13—18 даража иссиқ бўлади.

ТОШКЕНТ ОБ-ҲАВО БЮРОСИ.

УММОНГА ИНГЛИЗ ҚЎШИНЛАРИ ТУШИРИЛДИ

ҚОҲИРА, 22 октябрь. (ТАСС). Уммон имомининг Қоҳирадаги ваколатхонаси баёнотида бундай дейилади: Форс кўрфазидаги Уммон қирғоқларига 6 минг инглиз солдати туширилди.

«Кўп миқдордаги инглиз қўшинларининг туширилиши, — деб таъкидланади баёнотда, «Ямандаги воқеалар билан маҳкам боғланган. Уммон ватанпарварларининг айниқса кейинги ҳафта ичида инглиз мустамлакачиларига қарши олиб борган курашининг кучайганлиги қўшинларнинг шундай катта қисмини Уммонга туширишга сабаб бўлди».

Уммон имомининг Қоҳирадаги вакили Бен Ҳимяр Сулаймон инглиз қўшинларининг туширилиши муносабати билан норозилик билдирди.

«Инглиз мустамлакачиларининг ҳаракатлари, — дейилади баёнотда, — Форс кўрфази районида яшовчи араб халқини чўчита олмайди. Араб халқи инглиз мустамлакачиларини ўз территориясидан тамомила ҳайдаб чиқариб, озодлик ва мустақилликка эришганига қадар курашни давом эттиришга қатъий бел боғлади».

ИШСИЗЛИК—АҚШ БОШИГА БИТГАН БАЛО

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). Юнайтед Пресс Интернейшнл агентлигининг Вашингтондаги мухбири бундай деб ёзади: «Ишсизлик миллий снёсий ҳаётда жуда катта кулфат бўлиб қолди. Ҳар ким ишсизлик давом қилаётганлигини ошкора қоралайдию, лекин буни тугатиш учун ҳеч ким шу вақтгача тузукроқ чора кўролмайди».

«Президент Кеннединнинг 1960 йилда президент бўлиб сайланишига қисман шу нарса сабаб бўлган эдики, у, жуда кўпайиб кетган ишсизликни камайтираман, деб сайловчиларга ваъда берган эди. Вакиллар палатасидаги республикачилар раҳбари Чарльз Хэллек (Индиана штатидан) яқинда айтган гапларидан бирида, — деб ёзади мухбир, — Кеннеди сайланган йили ишсизлик даражаси (ишлаб турган кишиларнинг умумий сонига нисбатан. — Редакция) 5,7 процентга етган эди, сентябрь ойида бундан ҳам ошиб, 5,8 процентга етди, деди».

Ишсизлик, деб ёзади мухбир, бу йилги сайлов олди курашида айниқса ишсизлик доимий бўлиб қолган районларда марказий проблема бўлиб қолди.

Президент шу йил январь ойида мамлакатнинг иқтисодий аҳволи тўғрисида конгрессга юборган ўзининг мактубида 1963 йилга бориб ишсизлик 4 процентга тушиб қолади, деб умид билдирди. Президент, деб давом қилади мухбир, экономикани кенгайтириш планларига ва уни кенгайтириш умидларига асосланиб шундай мўлжал қилган эди.

Бироқ, иқтисодий аҳвол кутилганидек яхшиланмади, эндиликда ҳеч ким ишсизликнинг яқин вақт ичида кўпроқ қисқаришига умид қилмайди. Ишсизлик даражаси келгуси йилнинг январида 4 процентга тушиб қолади, деган умидни ҳеч ким амалга ошадиган умид деб ҳисоблаётгани йўқ, дейди мухбир.

Иш талаб қилаётган кишиларнинг сони ҳар ҳафтада 60 минг киши миқдорида кўпаймоқда. Булардан 25 минг киши ёшлар бўлиб, 35 минг киши эса ишлаб чиқаришнинг автоматлаштирилиши ва бошқа ўзгаришлар натижасида ишдан бўшаб қолган кишилардир».

УЗОҚ ШАРҚ ИНТЕРВЕНТЛАРДАН ОЗОД ҚИЛИНГАНИГА 40 ЙИЛ ТЎЛДИ

ШОН-ШУҲРАТ ЎЛКАСИ

Ўртага совет халқи Узоқ Шарқнинг интервентлардан озод этилганлигининг қирқ йиллигини нишонлайди. Россиянинг ишчи ва деҳқонлари чет эл босқинчиларини узил-кесил тор-мор келтириб, социалистик Ватаннинг озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолдилар. Ёш Совет давлати В. И. Ленин бошчилигидаги большевиклар партиясининг раҳбарлигида бутун дунё империалистлари билан яккама-якка курашда ғалаба қозонди.

Узоқ Шарқдаги интервенцияни АҚШ империалистлари бошлаб берган эди. 1918 йилнинг бошида йиртқич империалистлар ўз босқинчилик планларини амалга оширишга киришдилар.

Владивосток портига Япония, Англия, АҚШнинг ҳарбий кемалари бостириб кирди, совет қирғоғига денгиз пиёдаси туширилди. Узоқ Шарқдаги чет эл харбий интервенцияси ана шу тарзда бошланди.

Коммунистик партия Марказий Комитети ва В. И. Ленин мамлакатнинг бу районида содир бўлаётган воқеаларни диққат билан кузатиб бордилар. 7 апрелда Владимир Ильич Узоқ Шарқ ва Сибирь коммунистларига махсус телеграмма юбориб, унда интервентлар Владивосток билан чекланиб қолмай, совет территориясининг ичкарисига ҳам бостириб кирадилар, деб огоҳлантириб, мустаҳкам мудофаа ташкил қилишга чақирди.

Доҳининг бу чақириғига жавобан Сибирь Советлар Марказий ижроия комитети Сибирда ҳарбий ҳолат эълон қилди. Сибирь ва Узоқ Шарқдаги йирик шаҳарларнинг ишчилари қизил гвардия отрядлари тузабошладилар. Бу отрядларга атроф қишлоқларнинг камбағал деҳқон ва батраклари аъзо бўлиб кирдилар.

Империалистлар интервенциянинг бирлашган фронтини ташкил қилиб, ички контрреволюцияни ҳам қуроллантирдилар. Уларнинг ёрдамида Семёнов, Гамов, Калмиков ва бошқа атаманларнинг оқгвардиячи отрядлари тузилди. Сибирь ҳамда Узоқ Шарқ бўйлаб контреволюцион фитна ва исъёнлар аёж олди. 1918 йил кузига келиб бутун Узоқ Шарқ ўлкаси чет эл ва оқгвардиячи қўшинлар билан тўлиб-тошди. Қўшинларнинг умумий сони бир юз эллик минг кишидан ортиб кетди.

Худди шу даврда бу районда Советлар интервентлар ва оқгвардиячи қўшинларни тор-мор қилиш учун етарли қуролли кучга эга эмас эди. Бу эса чет эл босқинчилари ва ички контрреволюциянинг 1918 йилнинг кузига келиб бутун Узоқ Шарқ территориясида ҳокимиятни вақтинча қўлга олишига сабаб бўлди.

Ҳокимиятни қўлга олган интервентлар ва оқгвардиячилар совет ва партия ходимларидан, Қизил гвардиячилардан, Совет ҳокимиятига ҳайриҳоҳ бўлган ва босқинчиларга бўйсунмаган барча кишилардан қаттиқ ўч олдилар. Интервентлар ўн мингдаб совет кишиларини йўқ қилиб юбордилар, минглаб қишлоқларни ёндирдилар. Узоқ Шарқ ўлкасининг жуда катта бойликларини таладилар.

Лекин, совет кишилари интервентлар ва оқгвардиячилар олдида бош эгмадилар. Узоқ Шарқ ўлкасининг меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида чет эл босқинчилари ва уларнинг оқгвардиячи иттифоқдошларига қарши чинакам халқ урушини бошлаб юбордилар.

1919 йилнинг январида РКП(б) Узоқ Шарқ область комитети тузилиб, у подпольедан туриб меҳнаткашларнинг революцион курашига раҳбарлик қилди. Корхоналарда забастовка ва стачкалар ташкил қилинди. Партия ходимлари ва революцион руҳдаги ишчилар қишлоқда деҳқонлар орасида катта сиёсий ишларни олиб бордилар.

1920 йилнинг январь ойи охирида Владивостокда Сергей Лазо ташкил қилган қўзғолон бошланди. Шаҳарни революцион қўшин ва партизанлар эгаллади. Бир неча кундан сўнг Хабаровск ва Благовешченскда колчак ҳокимияти ағдарилди.

Партиямиз ва унинг Марказий Комитети Япония билан уруш бўлмаслиги учун ҳамма чораларни кўрди. Лекин Япон империалистлари тинчимадилар. Улар Узоқ Шарқ республикаси билан дипломатик музокаралар олиб бордилар, айни чоқда Приморьени қўлга киритиш учун махфий план тайёрладилар. 5 апрелга ўтар кечаси японлар Владивостокда, Никольск-Уссурийскда, Хабаровскда, Шкотовда ва Приморьенинг бошқа шаҳарларида артиллерия ва пулемётлардан тўсатдан ўт очдилар. Интервентлар Ҳарбий Совет раҳбарлари С. Лазо, В. Сибирцев ва А. Луцкийларни қўлга тушириб, уларни оқгвардиячиларга топширди. Оқгвардиялар эса уларни паровоз ўтхонасига ташлаб қуйдирдилар. Икки кун ичида японлар Приморьеда ўн мингдан ортиқ кишини ўлдирдилар ва ярадор қилдилар.

Япон интервентларининг Приморьега кириши ўлкани япон босқинчилари ва оқгвардиячилар терроридан тўла озод қилиш учун оғир ва узоқ кураш олиб бориш лозимлигини кўрсатди. Совет ҳукумати Узоқ Шарқ Республикаси Халқ революцион армиясининг составига ҳарбий қисмлар, қуроллар, ўқ-дори, кийим-кечак ва қўмондонлик кадрлари юборди. Узоқ Шарқ республикасининг ҳамма қуролли кучларига Перекоп штурмининг қаҳрамони, Қизил Байроқ орденининг биринчи кавалери В. К. Блюхер бошчилик қилди.

Япон интервентларининг батамом тор-мор этилиши ва совет еридан қувилиши учун курашда Волочаевка ва Спасск учун бўлган жанглар энг муҳим босқич бўлди.

1921 йилнинг охирида япон империалистларидан ёрдам олган оқгвардиячилар ўз кучларини мустаҳкамлаб, ҳужумга ўтдилар. Декабрь ойида улар Хабаровскни эгаллаб, Ғарбга томон ҳужум қилмоқчи бўлдилар, лекин Ин станцияси ёнида тўхташга мажбур бўлдилар.

1922 йил февраль ойида Узоқ Шарқ Республикасини ҳимоя қилиш учун Қизил Армия типидаги халқ-революцион армияси тузилди. Душманнинг ёмғирдек ўқ ёғдириб турганлигига ва қирқ градусли совуққа қарамай, революцион жангчилар сим тўсиқлардан ўтиб, душманни тор-мор келтирдилар.

Февраль ойининг ўрталарида Хабаровск озод қилинди. Октябрнинг бошларида эса Спасск районя қўлга киритилди. Спасскнинг олиниши билан японларнинг Жанубий Приморьеда протекторатни сақлаб қолишга бўлган ҳар қандай умидлари чиппакка чиқди.

1922 йилнинг 25 октябрида қўмондон И. П. Уборевич раҳбарлигидаги халқ-революцион армиясининг жангчилари ва партизанлар Владивостокка кирдилар. Бу кун Узоқ Шарқнинг батамом озод этилиши куни ва Ватанимизнинг территориясида гражданлар уруши ҳамда чет эл ҳарбий интервенцияси тамом бўлган кун бўлиб тарихга кирди.

Узоқ Шарқ Республикаси интервентлар ва оқгвардиячилардан озод этилиши биланоқ ўлканинг меҳнаткашлари бу республикани Совет Россиясига қайта қўшишни талаб қилдилар.

1922 йил ноябрида Бутуниттифоқ Марказий Ижроия Комитети Узоқ Шарқ Республикасини РСФСРнинг ажралмас, таркибий қисми деб эълон қилишга қарор қилди. Владимир Ильич Узоқ Шарқ Республикаси меҳнаткашларига қизғин табрикнома юборди.

Шундан буён орадан 40 йил ўтди. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати Владивосток шаҳри ва бутун Узоқ Шарқ Республикасини ривожлантириш тўғрисида ленинчасига чинакам ғамхўрлик қилиб келдилар ва ғамхўрлик қилмоқдалар. Коммунистик партия ва унинг ленинчи Марказий Комитети Узоқ Шарқни чор Россиясининг қолоқ чекка ўлкасидан қудратли индустрия ва ривожланган қишлоқ хўжалик ўлкасига айлантирдилар.

Совет Узоқ Шарқи — СССР ва бутун социалистик лагернинг Тинч океан қирғоқларидаги қудратли қўрғонидир.

А. МЕЛЬЧИН.

СПОРТ

„СОКОЛ“ СССР КУБОГИНИ ОЛДИ

«Сокол» командаси футболчилари бу йил зўр маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Команда Тошкент кубоги учун бўлган мусобақаларни мағлубиятсиз ўтказиб, фахрий мукофотни олди. Шундан сўнг улар Ўзбекистон кубогини ҳам қўлга киритдилар. Улар республика чемпионатида ҳам катта муваффақият қозонмоқдалар. Ҳозир бу команда 46 имкониятдан 42 очко тўплаб, биринчи ўринда бормоқда.

Ёш команда футболчилари физкультура коллективлари учун таъсис этилган СССР кубоги мусобақасини ҳам зўр қўтаринкилик билан бошлаган эдилар. Команда Иттифоқимизнинг 35 минг футбол коллективи билан бирга бу мукофотни олиш учун курашиб СССР кубоги финалига чиқишга муваффақ бўлди. Волгоградда бўлган финалда «Буревестник», (Мелитополь), «Темп» (Киев) ва «Сатурн» (Раменское) командалари билан куч синашди. Ҳамшаҳарларимиз биринчи ўйинда «Сатурн»га 0:1 ҳисоби билан ютқазиб қўйган бўлсалар ҳам руҳлари тушиб кетмади. Тренер Евгений Валицкий йўл қўйилган хатоларни йигитларга тушунтириб берди ва тажрибали рақиблар билан курашишнинг янги тактикасини белгилади. Шундан кейин тошкентликлар киевликларни 3:2 ҳисоби билан, «Буревестник»ни 1:0 ҳисоби билан ютдилар. Тошкентлик футболчилар «Сатурн» командаси билан тенг очко тўплади. Ниҳоят 22-октябрда бу иккала команда ўртасида ҳал қилувчи ўйин бўлди. Матч тошкентликлар фойдасига 2:0 ҳисоби билан тугади.

Шундай қилиб, ҳамшаҳарларимиз узоқ вақт давом этган курашлардан сўнг СССР кубогини қўлга киритдилар. Ғолиблар СССР спорт мастери фахрий номини олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

В. РУСТАМОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва Эълонлар

Телевизор

24 ОКТЯБРДА

Ўзбек тилида: 18.30 — **Қизил галстук** телевизион журнали. 19.25 — **Телевизион янгиликлар.** 19.45 — **Сейсмик станция** (телевизион очерк). 19.55 — **Пахта терими илғорлари рапорт беради** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун). 20.10 — **Муҳаббатнинг туғилиши** (ёзувчи Саид Аҳмад ҳикояси асосида телеинсценировка, ёшлар учун).

Рус тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар.** 20.55 — **Ортиқча рюмка** (илмий-оммабоп фильм). 21.15 — **Минг қиёфада кирган киши** номли бадиий фильм

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/X да **Майсаранинг иши**, 25/X да **Аида.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/X да **Алишер Навоий**, 25/X да **Ганг дарёсининг қизи.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/X да **Икки билагузук**, 25/X да **Нурхон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСРда хизмат кўрсатган артист **Константин Берман** ва қизиқчилар группасининг иштироки билан **«Қувноқлар цирки».** Кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Гекльберри Фин саргузаштлари — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутгача). «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Етти азамат — «ВАТАН» (кеч соат 7 яримда).

Марите — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Телефонистка — «ИСКРА» (кундуз соат 4-20 минутдан), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Кўза кўтарган қиз — (кундуз соат 2 ва кеч 10 да), **Шафқатсизлик** (кундуз 4 да) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Азиз дўстим — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Нариги томонда — «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10 да).

Симладаги севги — НАВОИЙ номли (кеч соат 7 ярим ва 9 яримда).

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
24, 27, 28 октябрда

КОНЦЕРТЛАР

Ўзбекистон ССР халқ артисти **Шаҳодат Раҳимова**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Қундуз Миркаримова, Меҳри Абдуллаева**, Жаҳон ёшлар фестивали лауреатлари **Клара Жалилова, Тамара Юнусова**, солистлардан **Таваккал Қодиров, Жалолиддин Охунов, Алижон Ҳасанов, Раима Ҳакимова, Қувондиқ Искандаров** ва ўзбек халқ чолғу асбоблари ансамбли қатнашади.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА
24, 25, 26, 27, 28 октябрда
Ўзбек давлат эстрадаси солисти
ФАХРИДДИН УМАРОВ

КОНЦЕРТЛАРИ

Концертда: Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Муҳаммаджон Мирзаев**, солистлардан **Тўхта Рисметова, Убайдулла Хўжаевлар** қатнашади. Программани **Муҳаббат Мусаева** олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

Тошкент область, Калинин район Ленин қишлоқ советидаги Ленин номли колхозда турувчи **Райҳон Икромованинг** Акбар Икромовдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

Қоратут кўча, Челябинский переулок, 1-уйда турувчи **Ҳаким Мансуровнинг** Чиғатой кўча, Муҳокама проезд, 20-уйда турувчи Дурхан Турсуновадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

ГАЗЕТА ва журналларга
1963 ЙИЛ УЧУН ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ГАЗЕТАЛАР:

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх», «Ленин байроғи», «Ёш ленинчи», «Комсомолец Узбекистана», «Ленин учқуни», «Пионер Востока», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская правда», «Ўзбекистон маданияти».

ЖУРНАЛЛАР:

«Ўзбекистон коммунисти», «Коммунист Узбекистана», «Партия турмуши», «Партийная жизнь», «Агитатор блокноти», «Блокнот агитатора», «Ўзбекистон», «Ўзбекистон хотин-қизлари», «Муштум», «Маҳаллий матбуот ходимларига ёрдам», «В помощь работникам местной печати», «Гулхан», «Гунча», «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Фан ҳақида суҳбатлар», «Сиёсий ва илмий билимлар тарқатувчи Ўзбекистон жамияти лекциялари», Рангли плакатлар серияси, «Муштум» журналининг сатирик плакатлари.

Обуна «Союзпечать» бўлимларида, алоқа бўлимлари ва конторларида корхона ва муассасалардаги жамоатчи вакиллар томонидан, шунингдек шаҳар ва қишлоқ почтальонлари томонидан қабул қилинади.

Бирлашган нашриёт Ўзбекистон ССР Алоқа министрлигининг «Союзпечать» бошқармаси.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитетининг коллективи ва партия ташкилоти область партия комитетининг собиқ инструктори

Степан Спиридонович Давшаннинг

вафот этганлигини билдириб, марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» (**«Ташкентская правда»**) — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес
Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, редактор ўринбосари — 25885. Партия турмуши бўлими — 26232. Пропаганда ва совет қурилиши бўлими — 28761. Қишлоқ хўжалик ва маҳаллий ахборот бўлими — 29040. Адабиёт ва санъат, маданият, саноат ва транспорт бўлимлари — 33786. Секретариат — 34808. Хатлар бўлими — 34048. Илғор тажрибаларни пропаганда қилиш штатсиз бўлими — 31936. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 26334, 33262, 30249, 30250, 30253.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.

Р. 04603. Нашр. Г. 1708.